БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 197 (944)

2 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Областимиз пахтакорларининг ватанпарварлик бурчи

Сентябрь тугаб, пахта тайёрлашда энг масъулиятли ва ҳал қилувчи ой ҳисобланган октябрга қадам қўйдик. Йиғим-теримда ғайрат ва сабот кўрсатиб завқ-шавқ билан ишлайдиган қизғин кунлар келди. Республикамиз пахтакорлари сентябрь ойида давлатга 1 миллион тонна пахта топширдилар. Яна 2 миллион тонна пахта тайёрланиши керак. Бунинг учун республикамизда ҳамма имкониятлар бор. Шонли пахтакорларимиз механизаторлар билан ҳамкорликда фидокорона меҳнат қилиб, социалистик мажбуриятимизнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирдилар.

Пахта — бизнинг катта бойлигимиз, ўзбек халқининг миллий ифтихори ва коммунизм қурилиши ишига қўшадиган муҳим ҳиссасидир. Пахта учун, унинг ҳосилини узлуксиз ошириш учун курашиш — республика пахтакорларининг, барча меҳнаткашларнинг шон-шараф ишидир, илҳомбахш ижод ва қувонч манбаидир.

Областимиз пахтакорлари бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта топшириш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, терим суръатини кунсайин жадаллаштириб бормоқдалар. Сўнгги беш кунликда илгариги беш кунликлардагига қараганда суръат бироз кўтарилди, пахта теримига янги кучлар сафарбар этилди. Шаҳарлик биродарларимиз ва район марказларининг меҳнаткашлари мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Бироқ шунга қарамай область колхоз ва совхозларида пахта йиғим-терими мутлақо қониқарсиз бормоқда, область пахта тайёрлашда ҳамон республикамизда охирги, ўнинчи ўринда турибди. Шу кунларда кунига 2 процент ва ундан ҳам ошириб пахта топшириш учун ҳамма имкониятларга эга бўлган Тошкент области ҳали ҳам 2 процентдан пахта бермаётир, пахта тайёрлашда ўз мусобақадоши Андижон областидан 17 процент кейинда қолиб кетди.

Областимиз колхоз ва совхозлари пахта топшириш юзасидан сентябрь ойи учун берилган топширикни бажара олмадилар. 1 октябргача давлатга 94837 тонна пахта топширилиб, план энди 20,75 процент бажарилди. Тайёрдов пунктларига ўтган йили худди шу муддатдагига қараганда 100 минг тонна кам пахта етказиб берилди. Пахта тайёрлашда бултур илғорлар қаторида борган, суръатни кескин ошириш учун ҳамма имкониятлари мавжуд бўлган Сирдарё, Ўртасарой, Мирзачўл ва Янгийўл районлари бу йил судралиб қолмоқдалар. Сирдарё райони ҳозиргача 1956 йилдагидан 25 процент, Ўртасарой райони 27 процент, Мирзачўл райони 26 процент, ва Янгийўл райони 23 процент кам пахта тайёрладилар.

Яна шу нарсани алоҳида қайд қилиб ўтиш керакки, баъзи бир районлар йиғим-теримнинг дастлабки кунларида эришилган ютуқларни кўлдан бой бериб, суръатни ошириш ўрнига, кундан-кунга бўшашмоқда, область пахта тайёрлашда ўзининг ўрнини ёмонлаштирмоқда. Область пахта тайёрлашда ҳамма имкониятлар бор. Ҳозирги пайтда колхоз кунига йиллик планнинг 2,5-3 процент миқдорида пахта тайёрлаб, октябрь ойи графигини ошириб бажариш учун курашмоқда. 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил топшириш учун аҳд қилган коммунист Ўраз Назаров, 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта олиш учун курашаётган У. Қулматов ўртоқлар бошлиқ бригадалар кунига 3-3,5 процентдан пахта тайёрламоқдалар. Бу илғорлар ҳозиргача йиллик планнинг 45-50 процент миқдорида пахта етказиб бердилар.

Колхозда донгдор теримчи Ҳувайда Ортиқова меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. Шу кунгача 6 минг килограммдан ортиқ пахта терган Ҳувайда бир кунлик иш унумини 300-350 килограммга етказаётир.

Ленин номли колхоз аъзолари октябрь ойида 60 процент миқдорида пахта тайёрлаш тўғрисидаги мажбуриятларини ошириб бажариш учун терим суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар.

Илғор колхозлар сентябрдаги қолоқликни октябрда тугатиш, йиллик планнинг 45-50 процент миқдоридаги пахтани шу ой ичида бериш учун суръатни янада кучайтириб юбордилар.

Бўка районидаги Ленин номли колхоз (раиси Робия Каримова) сентябрнинг то учинчи ўн кунлигигача пахта тайёрлашда унча юқори кўрсаткичга эришмаётган эди. Колхоз правленеси ва партия ташкилоти илғорларга етиб олиш учун барча кучни теримга тўла сафарбар этди. Ҳозирги пайтда колхоз кунига йиллик планнинг 2,5-3 процент миқдорида пахта тайёрлаб, октябрь ойи графигини ошириб бажариш учун курашмоқда. 90 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил топшириш учун аҳд қилган коммунист Ўраз Назаров, 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан пахта олиш учун курашаётган У. Қулматов ўртоқлар бошлиқ бригадалар кунига 3-3,5 процентдан пахта тайёрламоқдалар. Бу илғорлар ҳозиргача йиллик планнинг 45-50 процент миқдорида пахта етказиб бердилар.

Колхозда донгдор теримчи Ҳувайда Ортиқова меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. Шу кунгача 6 минг килограммдан ортиқ пахта терган Ҳувайда бир кунлик иш унумини 300-350 килограммга етказаётир.

Ленин номли колхоз аъзолари октябрь ойида 60 процент миқдорида пахта тайёрлаш тўғрисидаги мажбуриятларини ошириб бажариш учун терим суръатини кун сайин кучайтирмоқдалар.

ТЕЛЕГРАММА

Хитой Халқ Республикасининг раиси, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг раиси ўртоқ МАО ЦЗЭ-ДУНГА

Халқ вакиллари Умум Хитой мажлиси Доимий Комитетининг раиси ўртоқ ЛЮ ШАО-ЦИГА

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг бош министри ўртоқ ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙГА

ПЕКИН.

Хитой Халқ Республикасининг VIII йиллиги кунида совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Ҳукумати номидан Сиз қадрли дўстларимизга ва Сизлар орқали бутун хитой халқига энг самимий табрикларимизни йўллаймиз ва социалистик қурилишда янги ютуқларга эришувингизни тилаб самимий истакларимизни билдирамиз.

Хитой халқи бу тарихий воқиани социализм учун курашда катта галабалар билан кутиб олмоқда. ХХР халқ хўжалиги тез суръатлар билан ривожланмоқда, биринчи беш йиллик план муваффақият билан бажарилиб бўлмоқда. Ўнг, антисоциалистик элементларга қарши кескин кураш пролетариат диктатурасини тағин ҳам мустаҳкамлайди ва бутун халқнинг сиёсий онглилигини оширади.

Замонамизда бўлаётган воқиалар Хитой Халқ Республикасининг халқаро обрўси ошганлигини ва жаҳон сиёсатига катта таъсир кўрсатаётганлигини ҳамиша таъкидламоқда. Хитой Халқ Республикаси мустамлакачиликка қарши, мазлум халқларнинг тўла миллий озодлиги учун изчиллик билан кураш олиб бормоқда. У барча мамлакатлар билан уларнинг жамоат тузумидан қатъий назар ҳамкорлик қилиш учун доимо яхши ниода кўрсатиб келмоқда.

Совет халқи шуни зўр қувонч билан таъкидлайдики, қардошларча совет-хитой дўстлиги йил сайин мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда. Бизнинг дўстлигимиз тинчлик ва тараққиёт учун олиб бораётган курашида социалистик лагерь кучи ва қудратининг муҳим факторидир. Шу билан бирга бу дўстлик янги ҳаёт қурилишида икки халқ қардошларча ҳамкорлигининг ажойиб намунаси бўлиб хизмат қилади.

Социализм қураётган буюк хитой халқига шон-шарафлар бўлсин!

Олти юз миллионлик халқни социалистик йўлдан бошлаб бораётган Хитой Коммунистик партиясига ва ХХР Ҳукуматига отаним қардошлик саломи!

Бузилмас совет-хитой дўстлиги яшасин ва абадий мустаҳкамлансин!

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. ХРУШЧЕВ
ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. БУЛГАНИН

Москва, Кремль
1957 йил 30 сентябрь

ТЕЛЕГРАММА

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг бош министри ва Ташқи Ишлар Министри ўртоқ ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙГА

ПЕКИН.

Қимматли ўртоқ Чжоу Энь-лай, Хитой Халқ Республикасининг VIII йиллиги муносабати билан Сизга қизғин табрик топширишимга рухсат этгайсиз. Сизнинг ишингизда янги муваффақиятлар ва қардош хитой халқининг янада гуллаб яшнашини тилайман.

ССР Иттифоқи Ташқи Ишлар Министри А. ГРОМИКО

1957 йил 30 сентябрь.

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Шаҳардагина эмас, балки қишлоқ жойларда ҳам етти йиллик мажбурий таълимни тўла тугаллаш ва умумий ўрта таълимга ўтиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фармон чиқарди. Бу Фармонда Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар, район Советлари ижроия комитетларига ҳамда республика халқ маорифи органларига шаҳарлардагина эмас, балки қишлоқ жойларда ҳам болалар ва ўсмирларни (ўғил ва қиз болаларни) етти синф ҳажмида умумий мажбурий ўқитиш ва КПСС ХХ съезднинг директиваларига мувофиқ, республикада ўрта таълимни кенгайтириш юзасидан зарур чоралар кўришни топширди.

Мажбурий таълимга жалб этиладиган 6 ёшдан тортиб 18 ёшгача бўлган барча болалар ва ўсмирларни доим ҳисобга олиб туриш меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларига ҳамда Марказий статистика бошқармаси органларига топширилди.

15 ёшдан юқори бўлган ва етти йиллик таълимни ўз вақтида тамомламаган ўсмирлар етти синф ҳажмида маълумот олгунча махсус синфларда ва мактабларда мажбурий суратда ўқитилиши керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига шу вақтгача етти йиллик маълумот олмаган ишчи ва қишлоқ ёшлари учун мактаб шохобчаларини кенгайтириш юзасидан зарур чоралар кўриш топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, ўз васийлигига олган болаларнинг мактабга қатновини таъминламаган ва уларнинг етти йиллик таълимни тамомламаслан туриб ўқишдан ажратиб олган шахслар ва ота-оналар маъмурий жавобгарликка тортиладилар, деб белгилади.

Ўз болалари ва ўсмирларни ўқишдан қасддан маҳрум этаётган шахслар Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 270-моддасига мувофиқ суд жавобгарлигига тортилишлари керак.

Колхоз, совхоз, МТСлар, қишлоқ жойларида бўлган корхона ва муассаларнинг раҳбарларига мактабдан узоқда яшовчи болаларни мактабга машина ва араваларда келтириш жавобгарлиги юкланди.

Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетларига доимий умумий таълим фондини тузиш топширилди.

ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси 1957 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлаш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1957 йил 21 сентябрдан 30 сентябргача бўлган даврдаги якунини кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Бўстонлиқ районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ладушкин**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Асилбеков**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Майлибоев**, МТС директори ўртоқ **Артеменко**) берилди. Бу районда сентябрнинг учинчи ўн кунлигида планнинг 26,78 проценти миқдорида пахта тайёрланиб, йиллик пахта тайёрлаш плани 36,72 процент бажарилган, пахтанинг сифати юқори бўлган. Кўчма Қизил байроқ Пискент районидан олиб берилди.

Бўстонлиқ районига пахта териш ва тайёрлашда ўрнак кўрсатган илғор колхозчилар, МТС ишчиларини мукофотлаш учун 3 минг сўм пул берилди.

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси **Пискент, Оржоникидзе** ва **Урта Чирчиқ** районларида сентябрнинг учинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашнинг яхши борганлигини қайд қилдилар.

Шунингдек Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **6-«Кўкорол» совхозига** (директори **М. Ботиров**, партия ташкилотининг секретари **Д. Қуролбоев** ва ишчилар комитетининг раиси **Бенберганов** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз сентябрнинг учинчи ўн кунлигида планнинг 27,71 процента миқдорида пахта топшириб, йиллик планни 43,70 процент миқдорида бажарган. Топширилган пахтанинг сифати юқори бўлган.

6-«Кўкорол» совхозига кўчма Қизил байроқ билан бир вақтда пахта териш ва тайёрлашда яхши ишлаган ишчиларни мукофотлаш учун 3 минг сўм пул ҳам берилди.

Республикамиз 1 миллион тонна пахта топширди

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашаётган республикамиз пахтакорлари давлатга 1 миллион тонна пахта топширдилар.

Севикли Ватанимизга 1 миллион тонна пахта етказиб бердик. Яна 2 миллион тонна пахта тайёрлашимиз керак. Пахтакор ўртоқлар, ана шу шарафли вазифани муваффақиятли бажариш учун октябрь ойида 1 миллион 700 минг тонна пахта тайёрланишига муносиб ҳисса қўшайлик. Октябрнинг 40 йиллигигача республикамиз бўйича йиллик пахта тайёрлаш планининг бажарилиши учун ҳормай-толмай меҳнат қилайлик!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ёқутистон Автоном Совет Социалистик Республикасини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Хўжалик ва маданий қурилишда ёқут халқининг эришган муваффақиятларини тақдирлаб ҳамда Ёқутистоннинг Россия давлати составига ихтиёрий равишда қўрганига 325 йил тўлишини нишондаб, **Ёқутистон Автоном Совет Социалистик Республикаси Ленин ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва. Кремль
1957 йил 1 октябрь.

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРГА ТЕНГЛАШИНГИЗ!

☆

Колхоз суръатга-суръат қўшмоқда

ЯШНАДИ

Тер, очилди оппоқ олтин пахтазоринг яшнади,
Пахтазор деб донг таратган гул диёринг яшнади.
Сен азизим, ишсевар колхозчи дўстимсан мининг,
Меҳнатинг бахтингга тенгдир, ифтихоринг яшнади.
Тўп-тўлиқ олтин чаноқлар ичра оппоқ пахтадан,
Каттакон олам аро зўр эътиборинг яшнади.
Сен учун шонли Ватан ғамхўр турар ҳар доимо,
Мард йигитлар кенг далангда касбу коринг яшнади.
Водиларда шод қушиқлар авж билан айтилгуси,
Кел терайлик, оппоқ олтин пахтазоринг яшнади.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

Суратда: Эркиной **Маматова** — Верхне-волинск районидаги Куйбишев номли колхознинг аъзоси. Эркиной ҳар куни 250-260 килограммдан пахта термоқда. У мавсумда 25 тонна пахта териш мажбуриятини олган.

„Октябрь“ колхозида пахта терим суръати нега паст?

Мирзачўл районидаги Хрушчев номли колхозда пахта ҳосили мўл бўлди. Кўпчилик бригадаларда пишиб етилган кўсаклар қийғос очилмоқда. Колхоз правленеси, бошлангич партия ташкилоти йиғим-теримни қисқа вақт ичида ўтказиш тадбирларини тўғри амалга ошириб, яхши натижаларга эришаётир. Асосий куч пахтани тезроқ териб олишга сафарбар этилган. Теримчилар учун қулай иш шароити яратилган. Терим соатлик график асосида уюштирилган, агитаторлар колхозчиларни кун сайин кўп пахта теришга илҳомлантирмоқда. Октябрь 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизитилиб, илғорларнинг иш тажрибаси кенг пропаганда қилинмоқда.

Колхозчиларга ҳар беш кунда аванс берилмоқда. Умумий овқатланиш ташкил этилган.

Колхознинг бригадалари ўртасида пахтанинг очилиши даражасида фарқ бор. Бир бригадада ёки унинг айрим карталарида пахта кўп очилган бўлса, бошқа бригадаларда пахтанинг очилишида кечикиш бор. Колхоз правленеси, бошлангич партия ташкилоти теримда кучларни тақсимлашда бригадалардаги ҳақиқий аҳволни эътиборга олиб, иш қилмоқдалар. Кундалик ишда кучлар усталик билан жой-жойига қўйилаётгани учун колхозда бўш қолаётган қўл йўқ, ишлаётган пахта ўз вақтида териб олинаётир.

Аммо шу колхозга қўшни ва шароити бир хил бўлган «Октябрь» колхозида манзара бутунлай бошқача. Колхоз пахта тайёрлашда оркада қолмоқда. Нега шундай?

Колхоз раиси А. Брухти, бошлангич партия ташкилотининг секретари Абдуллаев ўртоқлар колхознинг судралишига пахтанинг яхши очилмаганлигини сабаб қилиб кўрсатаётирлар. Аслида бундай эмас. Кўсаклар яхши очилиб, терим ишлари қўламини ҳар томонлама кенгайтириш, асосий кучни теримга тўла сафарбар этиш вақти келган. Аммо графикдаги 1050 ўрнига фақат 550 киши пахта термоқда.

Пахтаси авжи очилган ва шу кунларда ҳар бир теримчи ўрта ҳисоб билан 82 килограммдан пахта тераётган ўртоқ Р. Рўзаев бошлиқ бригадада 95 ўрнига 46 киши ишламоқда. Мавсумда 3-10 тоннагача пахта териш мажбуриятини олган 53 теримчининг ярми ҳам далада кўринмайди: 31 теримчи кунлик нормасини бажармайди, терим графиги илғор теримчилар ҳисобига бажарилмоқда. Латипов, Нишонова, Абдуллаев, Шавкатов сингари азамат йигит ва қизларнинг нормани бажармаётганларига нима дейсиз?!

Ўртоқ Клочков бошлиқ бригадага колхоз раиси Брухти биркитилган. Бу ерда, теримчилар учун қулай шароит яратилмаган, материал-техник воситалар тахт қилинмаган. Ҳатто қўл тарозилар ҳам йўқ. Теримчилар пахтани узоқдаги хирмонга олиб бориб топширишга мажбур бўлмоқдалар. Бригада аъзолари ўртасида интизом бўш, бригада механигининг хотини Т. Русс, электромонтёр оиласи М. Семенченко сингари ўнлаб колхозчилар пахта теришни ўзларига «эп» кўрмаётирлар.

7-бригада табелчиси ўртоқ Абдурасулов пахта теримига қатнашмаётган 26 кишининг рўйхатини колхоз раисига топширган. Аммо бундай прогулчи, дангасаларга нисбатан Уставга мувофиқ ҳеч қандай чора кўрилмаётир. Колхоз берган имтиёзлардан фойдаланган ҳолда, жамоат хўжалиги олдидаги бурчини ҳис қилмаётган айрим шахслар бемалол юришипти. Хатто улар огоҳлантирилгани ҳам йўқ. Турли ташкилотларда ишловчи, лекин колхоз территориясида яшовчи ишчи-хизматчиларнинг ишга яроқли оила аъзолари ҳам пахта теримига жалб этилмаган.

Колхоз бошлангич партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишларни ... йўлга қўймаган, бригада ... ларида жиҳозланмаган, девор газета, «Жанговар варақа»лар чиқарилмайди. Агитаторлар расмият учунгина тайинланган. Социалистик мусобақа чинакамига уюштирилмаган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети V пленумининг «1957 йилдаги пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлаш тўғрисида» деб чиқарган қарори колхозчиларга кенг тушунтирилмаган ва бу қарорда кўрсатилган тадбирлар тўла амалга оширилмаётир. Меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби бузилган. илғорлар рағбатлантирилмайди. Колхозчилар 1,5-2 ойлаб аванс олмаганлар.

Терим ишларига раҳбарлик қилинмаётир. Масалан, бригада бошлиги П. Брухти иш тепасида. теримчилар олдида камдан-кам бўлади. Бригададан 26 километр узоқда яшаб турган бу бошлиқнинг ташкилотчилиги ва контроллиги сезилмаганидан шу кунларда 80 ўрнига атиги 28 колхозчи пахта термоқда.

Ана шундай камчиликларга йўл қўйилаётгани сабабли «Октябрь» колхозида пахта териш ва уни давлатга топшириш ишлари ниҳоят даражада қониқарсиз бормоқда. Бу мусобақадош Ленин номли колхоздан анча орқада қолиб кетаётир.

Район партия комитети, район ижроия комитети районда кўп пахта берадиган бу колхоздаги жиддий нуқсонларни тезда бартараф қилиб, асосий кучни пахта терими суръатини кучайтиришга сафарбар этишлари керак.

В. ШОДМОНОВ,
Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» ва «Колхоз меҳнати» газеталарининг рейд бригадаси.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИНИНГ ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРИ

ПАХТА ТЕРИМИДА НАМУНА КЎРСАТАЕТГАНЛАР. Суратда: (чапдан ўнгга) Лола Алматова — «III Интернационал» колхозининг аъзоси, мавсумда 12 тонна пахта теришга мажбуриятини олган. Кунига 240-250 килограммдан пахта термоқда. Шарипа Тўхтаева — шу колхознинг аъзоси. Мажбурияти 12 тонна, бир кунда тераётган пахтаси 240 килограммга етмоқда. Назира Дўстбекова — Крупская номли мактабнинг ўқувчиси. Кунига 200 килограммдан пахта термоқда.

М. Шевелев фотолари.

СССР халқларининг қардошлик оиласида

Қирғизистон Совет ҳокимияти йилларида

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

(Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси ўртоқ Т. ҚУЛАТОВ билан суҳбат)

Қирғиз миллий адабиёти асосчиларидан бири ёзувчи Қосимали Баялинов Қирғизистоннинг революциядан олдинги ҳалқи кечирган қувончсиз ҳаётни тасвирлаб қуйидагиларни ёзади: «Биз эзилган, муҳтожликда, қоронгиликда қолган эдик. Бир қўноқдан иккинчи қўноққа кўчиб ўтовларда яшардик. Қўшиқ ва афсоналаримизда тоғларимизнинг ҳи-



Тянь-Шань областидаги баланд тоғ тепасига жойлашган «Тулек» совхози. Суратда: юқорида — стар ший чўпон Асанғози Исоқов (доирада) ва унинг отарлари. Пастда Ўрта Тўқай сув омбори қурувчиларининг поселкаси.

Б. Борисов ва А. Расшихин фотолари (ТАСС фотохроникаси).

собсиз бойликлари қуйланарди. Лекин эзилган ҳалқда бу бойликни қўлга киритиш учун куч йўқ эди. Гўзал ўлкамиз дашту-биёбон ва кимсасиз бўлиб қолаверди».

Ҳозирги Қирғизистон чор Россиясининг собиқ қолоқ ўлкасидан кеча билан кундузидек фарқ қилади. Ўлканинг ҳар бир бурчида — узоқ йилларда ҳам, тоғлик овулда ҳам — ки шаҳтёрлар шаҳрида ҳам — ҳамма ерда ҳам янгилик нишоналари кўзга яққол ташланади, Совет ҳокимияти йилларида бунёдга келган катта ўзгаришлар сезилиб туради.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси қирғиз миллатининг ҳар томонлама ривожланиши учун катта йўл очиб берди. Совет Қирғизистонининг экономикаси ва маданияти кўп миллатли СССР халқларининг дўстона оиласида гуллаб-яшнамоқда. Энди халқ оқинлари янгича порлоқ ва гўзал ҳаёт ҳақида қуйламоқдалар.

Тутқ[illegible] бонглари янграган у дам[illegible] асрий уйқидан уйғондинг,
[illegible] ўлкам.
[illegible]ни юртим, иқболинг
ва бахтинг кулди,
Шарқнинг кенг ер-
лари чароғон бўлди.
Ўрелнинг бойлиги
азалдан машҳур,
Қирғиз тоғлари ҳам
бирга бир умр.

— дейди республика халқ шоири Али Токомбоев ўз шеърларидан бирида.

Октябрь революцияси халқнинг ижодий кучларини тутқинликдан халос этди, ҳаракатга келтирди. тоғлик ўлканинг ҳисобсиз бойлигини халқ хизматига берди. Дашт-биёбондан иборат кимсасиз бўлган бу ўлка Совет Иттифоқининг саноати ва қишлоқ хўжалиги, юксак даражада ривожланган, миллий, маънуман социалистик ажойиб ўз маданиятига эга бўлган илғор республикасига айланди.

Қирғизистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, рус ишчилар синфининг биродарона ёрдами билан, турли саноат тармоқларини вужудга келтирдилар. Республикада ҳозирги замон техникаси билан ускуналанган 500 та яқин саноат корхонаси ишлаб турибди. Пойтахтимиздаги М. В. Фрунзе номли қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводи — қирғиз [illegible]инасозлигининг тўнғичи, меҳ[illegible]ашларимизнинг ифтихоридир. Бу [illegible]д ишлаб чиқараётган машиналар Қирғизистон далаларидагина эмас, шу билан бирга Қозоғистон, Сибирь ва Олтойнинг бепоён кенг қўриқ ерларида ҳам ишлатилмоқда.

Республикада рангли металлургия, кўмир, нефть саноати ва саноатнинг бошқа тармоқлари, бунёд этилди. Қирғизистон аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Италия ва Японияга нисбатан кўпроқ кўмир ва нефть ишлаб чиқармоқда. Қанд ишлаб чиқаришда эса республикамиз Франция, Италия, Германия Федерал Республикасидан ўзиб кетди.

Қирғизистон саноати тинмай юксалмоқда. Саноат ишлаб чиқариш 8 йиллиқ плани муддатидан илгари бажарилди. Бунга саноатни бошқаришнинг қайта ташкил этилиши, Қирғизистон иқтисодий райони Халқ хўжалиги кенгашининг барпо этилиши катта ёрдам берди.

Қирғизистон саноати олдида олтинчи беш йилликда бундан ҳам улуғвор перспективалар очилади. 1960 йилда республикада биринчи шаҳри яқинида Аламиддин ГЭСи каскадлари қурилиши тугалланади.

Қирғизистон қишлоқ хўжалигида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Халқнинг оғир қўчманчилик ҳаётига умрбод барҳам берилди. Республика колхоз ва совхозлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ошириб бормоқдалар. Масалан, ўтган йили Қирғизистон қанд лавлагининг ҳосилдорлиги жиҳатидан мамлакатда биринчи ўринни эгаллади ва Америка Қўшма Штатларига етиб олди. Франция, Италия, Англия ва Дания сингари мамлакатларни эса анча орқада қолдирди. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин Қирғизистонда тўшт, сут ва жун етиштириш анча ошди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ютуқларни қўлга киритганлиги учун республикамиз Ленин ордени билан мукофотланди.

Республикада ирригация қурилишлари кенг қулоч ёзди. Энг йирик қурилишлардан бири—Ўрта Тўқай сув омбори Марказий Тянь-Шань тоғларида олиб борилмоқда. 500 миллион кубометр ҳажмидаги бу сув омбори колхоз ва совхоз далаларининг 100 минг гектардан ортиқ ери ғаёт сувини беради. Бу катта иншоот келаси йили ишга туширилади.

1958 йилда Катта Чуй каналининг сўнгги навбатини, Ўтиз Ўрда ва Кулундин суғориш системаларини эксплуатацияга топшириш кўзда тутилган. Олтинчи беш йилликда Қора Ўнгурсой дарёсидаги суғориш системасини реконструкция қилиш тугалланади. Бу ишларнинг ҳаммаси беш йил давомида ҳозир фойдаланилаётган 100 минг гектарга яқин ерни қишлоқ хўжалик оборотига киритиш имконини беради.

Улуғ Октябрдан сўнг Қирғизистонда юз берган кўп ўзгаришлар қирғиз халқи маданиятининг гуллаб-яшнаши учун ҳамма шароитни яратиб берди. Ҳозирги Қирғизистон аҳолиси ёппасига саводхон бўлган республикадир. Маҳаллий аҳолининг минглаб йигит ва қизлари Қирғизистон давлат университетида, политехника, медицина ва бошқа институтларда олий маълумот олмоқдалар. Қирғизистонда Фанлар академияси ташкил этилган.

Қирғизистоннинг Совет ҳокимияти йилларида қўлга киритган ютуқлари Коммунистик партия олиб бораётган ленинча миллий сиёсатнинг тўғрилигини яна бир марта тасдиқлайди. КПСС Марказий Комитети томонидан иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар Совет Қирғизистони хўжалиги ва маданиятининг гуркираб ўсишига хизмат қилади.

Орденли Қирғизистон меҳнаткашлари Октябрнинг 40 йиллигини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва унинг ленинча Марказий Комитети теварагида янада жипслашган ҳолда кутиб олмоқдалар.

Суратда: Иссиққўл область Пржевальск районидаги «Жани Жилгиз» колхозининг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Океш Тўлабердиев (ўнгдан иккинчи) халқ хўжалиги республика виставкасига келган тамошабинлар билан суҳбатлашмоқда.

Илгари ёзда чанг, қишда лойдан ўтиб бўлмайдиган Пишпек шаҳри Совет ҳокимияти йилларида социалистик Қирғизистоннинг обод марказига айланди. Суратда: Фрунзе шаҳридаги Университет майдони.

Халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик

Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонуннинг кучга кирганига 1 октябрда бир йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министрининг ўринбосари А. Н. Ниёзов ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

—Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш юзасидан кейинги вақт ичида кўрилган амалий тадбирлар орасида пенсия ишини тартибга солиш тадбири муҳим ўрин олиб туради. СССР Олий Совети томонидан қабул қилинган Қонун партия ва ҳукуматнинг совет кишиларининг турмушини яхшилаш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин намунаси бўлди.

Давлат томонидан пенсия учун чиқарилаётган маблағ фақат Ўзбекистонда бу йил қарийб 800 миллон сўмни, ёки ўтган йилда сарфланганидан икки баравар ортиқ маблағни ташкил этади. Қаровлик учун тўланаётган пенсиянинг ўртача миқдори икки ярим баравар кўпайди. Қишлоқларнинг кекса меҳнаткашларини моддий жиҳатдан таъминлаш тобора кенгаймоқда: республиканинг деярлик ҳамма колхозларида жамоат ўзаро ёрдам кассалари тузилган, Ўзбекистоннинг юзларча қишлоқ хўжалик артелларида меҳнатга қобилияти бўлмаган колхозчиларга пенсия тариқасида умрбод меҳнат кунлари ёзилмоқда.

Пенсия таъминотини яхшилаш билан бир қаторда кексаларнинг ва инвалидларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ишига ҳам кўп маблағ сарфланмоқда. Меҳнат қобилиятини йўқотган мингларча кишилар ҳар йили марказий ва маҳаллий курортларга, санатория ва дам олиш уйларига пулсиз путевкалар олмоқдалар. Республика пойтахти теварагидаги сердарахт Чопонота қишлоғида инвалидлар учун махсус дам олиш уйи қурилиб бўлмоқда. Тошкентда, Самарқандда, Ўрганчда, Андижонда ва бошқа шаҳарларда ҳамда район марказларида улар учун уй-жойлар, турли маданий-маиший муассасалар қурилмоқда. Махсус интернатларда ва инвалидлар уйларида уч мингдан ортиқ киши давлат ҳисобидан таъминланмоқда. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Бухоро областлари ва бошқа областларнинг бир қанча қишлоқ хўжалик артелларида кекса колхозчилар уйлари ташкил этилди.

Меҳнат ва уруш инвалидлари жамоат ишлаб чиқариши билан алоқани узишни асло истамайдилар. Ўзбекистон ССР Социал-таъминот министрлиги ана шуларнинг жуда кўп илтимосларини қондириб, уларга ҳунар ўргатишни ташкил этди. Кейинги йиллар ичида республикадаги 24 та махсус ўқув юртларида мингларча киши янги ҳунар эгаллади. Таълим олиш курсини тамомлаганларнинг ҳаммаси ҳозирги вақтда заводларда, фабрикалар, ҳунармандчилик артелларида ишламоқдалар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари давлат пенсиялари тўғрисидаги янги Қонуннинг кучга кирганига бир йил тўлишини нишонлаб халқ фаровонлиги тўғрисида оталарча доимий ғамхўрлик қилаётганликлари учун Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига кўпмиллатли Ватанимизнинг барча халқлари билан бирликда ўзларининг қизғин миннатдорчиликларини изҳор қиладилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Пахта йиғим-теримида коммунистларнинг авангардлиги оширилсин

Ўртасарой район колхозларида бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Шу кунларда қайси бир колхоз даласида бўлманг, пахта қийғос очилганини кўрасиз. Ана шу ҳосилни нес-нобуд қилмай, ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш, бунинг учун теримга ажратилган кучларни ишга тўла жалб этиш, шунингдек бу соҳада коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш колхоз партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Шу нуқтаи назардан қаралганда райондаги айрим колхоз партия ташкилотлари ишни йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ намунали ташкил этиб, кундалик графикнинг бажарилишига эришмоқдалар ва бу соҳада коммунистларнинг етакчилик ролини таъминламоқдалар. Масалан терим бошлангандан бери район кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келаётган «Коммунизм» колхозининг коммунистларидан Умар Чемеров, Ашир Каримова, Марҳабо Аҳмедова, Ҳакима Раҳимхўжаева ўртоқлар кундалик нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажармоқдалар. Шу билан бирга, улар далада олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларда ҳам актив қатнашмоқдалар. Жумладан, илғор теримчи Ҳакима Раҳимхўжаева ва звено бошлиғи Ашир Каримова ўртоқлар тушки дам олиш пайтларида колхозчиларга газета ўқиб бермоқдалар, дала шийпоналарини жиҳозлашда, деворий газета ва «Жанговар варақа»лар чиқариш ҳамда болалар яслилари ишини ташкил этишда яхши ёрдам бермоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ М. Раҳимов) пахта йиғим-теримида даврига мўлжалланган ва конкрет тадбирлар белгиланган иш плани тузиб чиқди ва уни очиқ партия йиғилишида кенг муҳокама қилди. Иш планига мувофиқ чорвачилик ва маъмурий аппаратдаги барча коммунистлар йиғим-теримга жалб этилдилар ва улар учун алоҳида график тузилди. Партия ташкилоти коммунистларнинг терим графигини бажариши устидан контроллик олиб бормоқда. Будённий номли колхоз коммунистлари ҳам пахта теримида актив иштирок этиб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Афсуски, аҳвол ҳамма колхозларда ҳам шундай эмас. Район колхозларида пахта йиғим-теримига ҳар куни 6 мингдан ортиқ киши қатнашиши лозим бўлгани ҳолда, 4 минг киши чиқмоқда. Бунинг сабаби даставвал шундаки, кўпгина колхоз партия ташкилотлари барча ишга яроқли кучларни йиғим-теримга тўла жалб этиш, улар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни кучайтириш, илғорларнинг иш тажрибасини кенг оммалаштиришга етарли эътибор бермаётирлар.

Райондаги Ленин номли, Оржоникидзе номли, Свердлов номли, «Полярная звезда» колхозларининг аъзолари ўртасида оммавий-сиёсий ишлар бўшаштириб юборилган, теримчилар учун қулай маданий-маиший шароит яратиб берилмаган. Жданов номли колхознинг 7 та дала шийпонидан фақат 2 таси жиҳозланган, қолганларида на радио приёмник ва на шиор, плакатлар бор, «Жанговар варақа»лар чиқарилмайди. Шунинг учун ҳам бу колхозда ҳар куни пахта йиғим-теримига 410 киши ўрнига кўпи билан гоҳ 200, гоҳ 300 киши қатнашмоқда. Натижада колхоз бўйича кундалик график бажарилмаётир ва йиллик топшириқнинг 1,2-1,3 процента миқдорида пахта топширилмоқда. Шуни ҳам айтиш керакки, колхоз коммунистларининг кўпчилиги пахта йиғим-теримида иштирок этмаётирлар, раҳбарларнинг хотинлари эса йиғим-теримга жалб этилмаган.

Райондаги бир қатор колхозларда терим суръати ниҳоятда паст, график бўйича топшириқ бажарилмаётир. Бунинг сабаби нимада? Аввало шуни айтиш керакки, район партия ва совет ташкилотлари пахта йиғим-теримига конкрет, оператив раҳбарлик қилмаётирлар, колхозларда терим графигининг бажарилиши устидан қатъий контроллик ўрнатмаганлар.

Биз «Гулистон» колхозининг ўртоқ Лян Хо Нам бошлиқ 3-бригаласи пахта хирмонида бўлдик. Бу ерда бригада бошлиғи, 2-3 колхозчи ва табелчи ўралишиб юрибди. Бригада бошлиғидан кундалик график қандай бажарилаётганини суриштирганимизда, табелчи ўртоқ Пак Антон чўнтагидан букланган қоғоз олди. Бу райондан берилган график экан.

— 26 дан 30 сентябргача тузилган беш кунлик графикни 28 сентябрда олдик, — деди у ноғора оҳангда.

Ҳақиқатан ҳам, график район ташкилотлари томонидан ўз вақтида юборилмаганидан кейин унинг қанчалик аҳамияти қолди?! Маълум бўлдики, график теримчилар ўртасида ҳам ишлаб чиқилмаган. Теримчилар эса бундан бир ҳафта илгари тузилган графикдаги нормани гина биладилар-у, янги нормадан хабардор эмаслар.

Бригадада ҳар куни 10-15 теримчи ишга чиқмайди. Ўразов, Юнусбекова, Мусаев сингари кўпгина теримчилар нормани бажармайдилар. Шунинг учун ҳам бригада бўйича ҳар куни 3360 килограмм ўрнига 2600-2700 килограмм пахта терилмоқда. Контролсизлик натижасида бу бригадада пахта ҳом терилмоқда ва нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Чунончи, хирмон четида 28 сентябрда терилган ҳом пахта ҳали ҳам ётибди. Бу ҳол ундан хабардор бўлган на колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ким Петрни ва на бригада бошлиғи ўртоқ Лян Хо Намни ташвишлантиради.

Колхозда 25 коммунист бўлгани ҳолда, уларнинг пахта йиғим-теримида қандай иштирок этаётганини ҳеч ким айтиб бера олмайди. Чунки партия ташкилоти коммунистларнинг пахта йиғим-теримида актив иштирок этишини таъминламаган.

Район партия комитети эса пахта йиғим-теримининг ҳозирги ҳал қилувчи палласида колхоз коммунистларининг авангардлик ролини ошириш масаласи билан етарли шуғулланмаётир ва бу соҳада колхоз партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатмаётир. Буни шундан ҳам билса бўлади ки, район колхозларидаги 392 коммунистдан йиғим-теримда фақат 122 киши қатнашмоқда.

Район партия комитетининг раҳбарлари кўпгина колхозларнинг пахта йиғим-теримида орқада қолиш сабабларини чуқур ўрганиб чиқишлари, бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни узил-кесил бартараф қилишлари, шу билан бирга, пахта йиғим-теримида барча коммунистларнинг кўп сонли теримчиларнинг олдинги сафида бўлишларини таъминлашлари керак.

З. ШОКИРОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

Шахтёр муштуми

Соғлом турмушимизда онда-сонда учраб турадиган айрим иллатларга қарши муросасиз кураш газеталарнинг жанговар бурчидир. Оҳангарон шаҳрида чиқадиган **«Узбекистон шахтёри»** газетаси бу соҳада тақдирга сазовор иш қилаётир.

Газета редакцияси коммунистик ахлоқ, маданий-маиший турмуш темаларига катта эътибор беради. Ибрат бўларли ишларни кенг пропаганда қилиш билан бирга, сатира ва юморнинг қулай формаларидан муваффақиятли фойдаланиб, айрим салбий типларни, турмушимизга ёт ишларни фош этиш йўлида ичил курашаётир. «Шахтёр муштуми» рубрикаси остида газетада систематик равишда ўқимишли ва танқидий кучи ўткир сатирик материаллар бериб борилмоқда.

Газетанинг 29 сентябрь якшанба кунги сонида «Шахтёр муштумининг справкалар бюроси» рубрикаси остида 5 та материал босилган. Редакция «Муштум» сатирик журналида бериб борилаётган «Справка» формасидан яхши фойдаланган. Газета «Справка»ларидан бирида жумладан бундай дейилади:

«Мазкур справкани кўрсатувчи Абдуғани Кабиров... 10-ўрта мактабнинг 7-синфида ўқиётган 15 яшар қизи Моҳиниса 19 ёшга тўлди, деб қалбаки гувоҳнома тўғрилабди, деса ишонинг.

Бундан ташқари, Кабировнинг Моҳинисани Аричная нўчасида яшовчи Маҳкам Холбоев деган йигитга унаштириб қўйиб, ўқишга юбормай қўйгани ҳам жуда тўғри.

Справка, бу ишдан хабари бўлса ҳам, индамай юрган шаҳар халқ маорифи бўлими мудири ўртоқ Кириллова ҳавола қилиш учун берилди».

Шунингдек, бу сонда ўрта мактабда ўқиётган қизини ўқишга юбормай, мактаб ўқитувчиларига мушт кўтарган Дадамат Зикриев, шаҳарнинг санитария аҳволини яхшилаш ишига масъулиятсизлик билан қараётган шаҳар санитария-эпидемиология станциясининг бошлиғи А. Н. Балабо; кўзбўямачилик билан давлат ва халқ мулкини талон-торож қилаётган прораб Шарафутдинов, инженер Ишкинин ва нормаловчи Суханов ларга ҳам сатира қамчиси остига олинган.

«Ўзбекистон шахтёри» газетасининг бу ташаббуси бошқа шаҳар ва район газеталарида ҳам қўлланишига арзийди.

Қишки ремонт ҳар бир корхона раҳбарининг диққат марказида турсин

Ҳар бир корхона раҳбари, ундаги партия, касаба союз ташкилотлари корхона цехларини, ишлаб чиқариш участкаларини пухта ремонтдан чиқариб қўйиши, қиш даврида ҳам ишчиларнинг нормал ишлашлари учун барча шарт-шароитларни вужудга келтиришлари зарур. Бу, даставвал ремонт учун ажратилган маблағлардан, бинокорлик материалларидан тежаб-тергаб фойдаланишни, ремонтчиларнинг асосий диққатини қишга тайёргарлик кўришга қаратишни талаб этади.

Тошкент шаҳридаги, шунингдек Янгиер, Бекобод, Олмалиқ шаҳарларидаги саноат корхоналарининг талайгина қисми ремонт ишларини бирмунча барвақт бошлаб, бу соҳада анчагина муваффақиятларни қўлга киритдилар. «Октябрь революцияси» номли Тошкент паровозвагон ремонт заводи территориясига кирсангиз, цехларда, ишлаб чиқариш участкаларида ремонт ишларининг авж олдирилганлигини кўрасиз. Ремонт ишлари фақат корхона маъмуриятининг ташаббуси билангина эмас, балки ҳар бир цехнинг, ҳар бир участка раҳбарининг актив иштироки билан олиб борилаётганлиги кишини қувонтиради. Завод партия, касаба союз ташкилотлари ремонт қилувчиларни кутиб турмасдан, ўз куч ва ташаббуслари билан цех томларини ёпиш, дераза рамалари ўрнатиш, иситиш ускуналарини пухта ремонтдан чиқаришга киришганлар. Бундан ташқари, завод маъмурияти коммунистларнинг актив иштирокида цехларни, участкаларни иситиш учун зарур бўлган ёқилғини ёғингарчилик бошланмасдан туриб ташиб келтиришга ҳаракат қилаётир. Шунингдек, «Ташсельмаш» заводи, Тошкентдаги гўшт комбинати, Янгийўл шаҳридаги тикув-пойафзал комбинати ҳамда гишт заводлари бошқармаси маъмуриятлари қишга тайёргарлик кўриш тадбирларини ўз вақтида бирин-кетин амалга оширётирлар. Бу корхоналар қишга тайёргарлик кўришни тўғри ташкил этиш мақсадида июнь-июль ойларидаёқ график ва конкрет планлар ишлаб чиққан эдилар. Ўз вақтида кўрилган чора ремонт ишларини муваффақиятли олиб боришга гаров бўлди. Шубҳа йўқки, юқоридаги корхона ишчилари қиш мавсумида ҳам ёз пайтларидагидек унумли меҳнат қила оладилар, бир меёрда ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Лекин областимиз корхоналари маъмуриятлари, партия ва касаба союз ташкилотлари орасида қишки ремонт ишларига масъулиятсизлик билан қараётган ёки ўтган йилги хатоларни яна такрорлаб, бу ишларни хўжа кўрсингагина пала-партиш ўтказаётган раҳбарлар ҳа эмас. Улар қишки ремонт масалаларини илғор корхоналар сингари барвақт ҳал этмадилар, партия ва касаба союз мажлисларида муҳокама қилмадилар. Айрим шаҳар ва район партия комитетлари ўзларига қарашли саноат корхоналарида қишки ремонт ишларининг қандай бораётганлиги билан кам шуғулландилар. Масалан, Янгийўл шаҳридаги пахта тозалаш заводи, сут заводи, шунингдек «Учинчи беш йиллик» артели каби қатор корхоналарда қишки ремонт ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу йилнинг 28 августида шаҳар Совети ва Янгийўл район партия комитетининг йиғилишида саноат корхоналарини қишки ремонтдан чиқариш масаласи кун тартибига қўйилиши белгиланган эди. Бироқ район Советининг раиси ўртоқ Мусаев ва район партия комитетининг секретари ўртоқ Ильин ўша йиғилишда қишки ремонт масаласини қўйишни мутлақо унутдилар. Орадан бир ой ўтишига қарамасдан, қишки ремонтга тайёрланиш масаласи на шаҳар Совети йиғилишида, на район партия комитети бюросида кўрилмаётир. Шу вақтга қадар шаҳардаги корхоналарда қиш учун 8,5 минг тонна кўмир келтирилиши керак эди. Ҳолбуки 20 сентябрга қадар ҳаммаси бўлиб 1289 тонна кўмир олинган, ҳолос. Шуниси ажабланарлики, келтирилаётган ёқилғи ҳам корхоналарнинг яроқсиз майдонларига уйиб ташланган.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши Озиқ-овқат саноати бошқармаси ихтиёридаги механика заводида қишки ремонт ишлари асосан тугалланган, деярлик барча цехларда пар билан иситиш ускуналари ўрнатилган. Афсуски, завод директори Рассихин, партия ташкилотининг секретари Полозов ўртоқлар фақат корхонани ремонт қилиш билангина чекландилар. Улар ишчи ётоқхоналарида, квартираларда ҳам қишки ремонтни ўтказиш зарурлигини унутиб қўйдилар. Заводга қарашли ётоқхоналар ҳанузгача ремонтдан чиқарилгани йўқ, кўмир билан таъмин этилмаган. Завод касаба союз ташкилотининг раҳбарлари эса маъмуриятнинг масъулиятсизлик қилаётганлигини ўз вақтида очиб ташламаётир.

Шаҳарнинг Фрунзе райони территориясида жойлашган саноат корхоналарида ҳам қишга тайёргарлик ишлари дуруст бораётир деб бўлмайди. Шу йилнинг август ойи охирларида «Таштекстильмаш» заводи партия комитети мажлисида корхонанинг бош инженери ўртоқ Мурашов цех ва уй-жойларни қишки ремонтдан чиқариш тўғрисида доклад қилган эди. Ўша вақтдаёқ ўртоқ Мурашов корхонанинг энергетика хўжалигида, шунингдек 3, 12, 32, 33-цехларида жуда катта ремонт ишлари бажарилиши кераклигини конкрет мисолларда кўрсатиб берган эди. Хўш, шундан кейин бу корхонада қишки ремонтга тайёргарлик кўриш қандай вазиятда ўтди? Даставвал шуни айтиш керакки, белгиланган тадбирларнинг барчаси қоғозгина қолиб кетди. Завод маъмурияти ҳам, партия ташкилоти ҳам бирорта амалий иш қилгани йўқ. Корхона ишчилари яшаб турган уй-жойларнинг кўпчилиги ремонт талаб бўлиб қолган. Бир нечта болалар боғчаси ва яслилари ҳам ремонт қилиниши лозим. Агар сиз завод раҳбарларидан ремонт ишларининг кечикиш сабабларини сўраб қолгундай бўлсангиз, улар бутун айбни қурилиш ташкилотлари устига тўнкайдилар.

Фрунзе район партия комитети, шунингдек район ижроия комитети раҳбарлари ўзларига қарашли саноат корхоналарини қишки ремонтдан пухта чиқариш тўғрисида жиддийроқ бош қотиришлари керак.

Тошкент иқтисодий-маъмурий район Халқ хўжалиги кенгаши машинасозлик саноати бошқармаси, шунингдек шаҳар ва район партия комитетлари қишки ремонт масаласи билан пухтароқ шуғулланишлари ва ғаниматкунлардан фойдаланиб, ҳар бир корхонада, ҳар бир ташкилотда қишки ремонт ишларининг ўз вақтида тугалланишига амалий ёрдам беришлари керак.

Ҳар бир завод, фабрика ва комбинат коллективларининг шарафли бурчи ғаниматфурсатдан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқариш майдонларини, ошхона, чойхона ва шунингдек маданий-маиший объектлар биноларини, ишчи ва хизматчиларининг уйларини ҳамда ётоқхоналарни қиш мавсумига шайлаб қўйиш учун ҳамма воситаларни сафарбар этишдан иборатдир.

В. ГУСЕВ,

Область партия комитети саноат ва транспорт бўлимининг инструктори.

Каноп ва жут тайёрлаш илғорларига кўчма Қизил байроқ топширилди

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси 1957 йил луб экинлари ҳосилини ўриб-йиғиш ва тайёрлаш юзасидан районлар, МТС ва колхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1957 йил 21 сентябрдан 1 октябргача бўлган якунини кўриб чиқиб **қарор қилдилар:**

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ районида** (район партия комитетининг секретари **Иброҳимов,** район ижроия комитетининг раиси **Каримов** ўртоқлар) қолдирилди. Бу районда сентябрнинг учинчи ўн кунлигида планнинг 25,7 процента миқдорида каноп пояси тайёрланиб давлатга каноп ва жут топшириш плани 115,9 процент бажарилган. Маҳсулот сифати юқори бўлган.

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Куйи Чирчиқ районидаги 2-МТСга** (директори **Кан-Ги-Ен,** партия ташкилотининг секретари **Юсупов** ва ишчилар комитетининг раиси **Шпак** ўртоқлар) берилди. Бу МТС зонасидаги колхозлар сентябрнинг учинчи ўн кунлигида планнинг 16,6 процента миқдорида луб экинлари ҳосили топшириб, каноп ва жут тайёрлаш давлат плани 87,5 процент миқдорида бажарганлар ва социалистик мусобақада энг яхши кўрсаткичларга эришганлар. Топширилган маҳсулотнинг сифати яхши бўлган.

Кўчма Қизил байроқ Юқори Чирчиқ районидаги 1-МТСдан олиб берилди.

Шунингдек, область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Куйи Чирчиқ районидаги Андреев номли колхозга** (колхоз раиси **Ю. Ким,** партия ташкилотининг секретари **Е. Дўйсенов** ўртоқлар) берилди. Бу колхоз сентябрнинг учинчи ўн кунлигида планнинг 36,9 процента миқдорида каноп поя топшириб каноп ва жут тайёрлаш юзасидан контрактация планини 102,3 процент бажарган ва социалистик мусобақада яхши кўрсаткичларга эришган, сифатли маҳсулот топширган.

Кўчма Қизил байроқ Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоздан олиб берилди.

Область ижроия комитети ва Ўзбекистон КП область комитетининг бюроси луб экинлари ҳосилини ўриб-йиғиш ва тайёрлашда Юқори Чирчиқ районидаги **«Ўзбекистон ССР 25 йиллиги», «Правда», Свердлов номли** колхозларнинг ҳамда Куйи Чирчиқ районидаги **Сталин номли, Димитров номли, Ворошилов номли** колхозларнинг сентябрнинг учинчи ўн кунлигида яхши ишларгаликларини қайд қилдилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Куйбишев районининг Фрунзе кўчасида, Октябрь районининг «Ўзгариш», «Иккинчи оқилон», «Янги ҳаёт» маҳаллаларида яшовчи меҳнаткашларнинг ўз кучлари билан уйларни тартибга солиш, ҳовлилардаги хўжалик учун зарур бўладиган иморатларни, санитария узелларини, тўсиқларни, дарвозаларни, ташқи ёритиш тормоқларини ремонт қилиш, ариқларни тозалаш, ҳовлиларни ҳамда ҳовлига ёндош бўлган кўчаларни яхшилаб тозалаш ва озода тутиш тўғрисидаги кимматли ташаббусларини қувватлади.

Юқоридаги маҳаллаларда яшовчи гражданлардан ёрдам комиссиялари сайланди, ремонт қилиш ва озода тутиш юзасидан ички тартиб қоидалари ишлаб чиқилди, экилган дарахтлар ва жойларни обод қилиб турган предметлар рўйхатга олинди. Уй-жойлар ва жойларни обод қилиб турган элементларни доимо озода тутиш ва ободончилик ишларини янада яхшилаш мақсадида маълум территория учун махсус жавобгар кишилар тайинланди. Бу кишилар жамоат ёрдамига таяниб, мазкур территорияда тартиб сақлашни, уй-жойлардан тўғри фойдаланишни таъминлайди.

Юқоридаги ташаббус «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш», ремонт-подшипник заводларида ва бошқа корхоналарда ҳам қўллаб қувватланди.

Шаҳар меҳнаткашларининг республикамиз пойтахти Тошкентни Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига обод ва гўзал қилиш юзасидан кўрсатаётган активлигини ҳисобга олиб, шаҳар Советининг ижроия комитети шу йил 5 октябрдан ободонлаштириш ойлиги эълон қилди. Барча район ижроия комитетларига меҳнаткашларнинг шаҳар санитария аҳволини яхшилашга қаратилган ташаббусини қизитиб юбориш ва ундан яхши фойдаланиш тавсия этилди.

Шаҳар ижроия комитети пайтахт меҳнаткашлари ободонлаштириш ойлигини зўр уюшқоқлик ва активлик билан ўтказиб, мамлакатимизнинг щонли 40 йиллиги байрамини ўз шаҳарларини кўркам яшнатган ҳолда кутиб оладилар деб ишонч билдиради.

Кекса пахтакорнинг аҳди

Элмурод ота бу йил 67 ёшга тўлди. Ота Октябрь революциясидан олдин ҳам пахтакор деҳқон бўлган. У шу ҳақда ёшларга ҳикоя қилар экан:

— Э, нимасини айтасан, болам, у вақтларда деҳқон ўзи етиштирган ҳосилнинг учдан бир қисмига ҳам эга бўла олмас эди. Айни йиғим-терим пайтида ҳар тарафдан хирмонга ўзатилган кўллар деҳқоннинг бор-йўғини шилиб кетар эди,— дейди газаб билан.

Октябрь социалистик революцияси кўпчилик қатори Элмурод отага ҳам бахт келтирди. Элмурод ота бу революциянинг ўзбек деҳқонларига озодлик келтиришини тезда англаб етди ва колхозлар ташкил қилина бошлагач, биринчилар қатори коллектив хўжаликка аъзо бўлиб кирди. Шундан буён у, колхозда ишлаб келмоқда. Ота деҳқончилик соҳасидаги бой тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиб, Бекобод районидаги «Гулистон» колхозида пахтадан мўл ҳосил етиштирилишига муносиб ҳисса қўшаётир. У бошлиқ звено аъзолари бу йил 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Звено аъзолари гўза парваришини бирдамлик билан ўтказиб, мўл ҳосил етиштиришга ва йиғим-теримни ҳам уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар. Бу звено аъзолари колхозда олдингилар қаторида бориб, ҳозиргача олган мажбуриятларининг 70 процента миқдорида пахта тайёрладилар.

Звено аъзолари Октябрнинг 40 йиллиги кунигача ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун йиғим-теримни кун сайин кучайтирмоқдалар. Колхозчилардан Б. Холматова, Г. Қўшоқова, Т. Раҳмонова каби чеварлар кунига 150-170 килограммдан пахта теराётирлар.

М. ҲАСАНОВ.

Область районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 1 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери	Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
Бўстонлиқ	4,55	36,72	Верхне-волинск	1,80	20,00
Пискент	2,15	28,30	Оққўрғон	1,58	19,71
Оржоникидзе	2,60	27,92	Сирдарё	1,83	19,09
Урта Чирчиқ	2,09	25,71	Оҳангарон	2,20	18,98
Юқори Чирчиқ	2,69	24,73	Боёвут	1,48	17,72
Бекобод	1,97	23,58	Янгийўл	1,73	17,70
Бўка	2,02	22,27	Октябрь	1,74	17,64
Ўртасарой	1,86	20,81	Чиноз	1,34	16,61
Мирзачўл	2,03	20,44	Калинин	1,16	14,06
Гулистон	1,74	20,01	Куйи Чирчиқ	1,42	10,71

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ўйинга тушадиган ҳайкал“

Газетамизнинг шу йил 6 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан фельетон босилган эди. Унда Юқори Чирчиқ районидаги Жданов номли колхоз раиси Исмоил Абдурахмоновнинг ўз мансабидан фойдаланиб, жамоат мулкини талон-торож қилаётгани, колхоз жамоат бинолари учун келтирилган қурилиш материалларини ўз шахсий манфаати учун ишлатгани ва унинг бошқа қилмишлари фош қилинган эди.

Юқори Чирчиқ район партия комитетининг секретари Ўртоқ Й. Иброҳимовнинг хабар қилишича, текширишда фельетонда келтирилган фактлар тўла тасдиқланган. Фельетон район партия комитетининг бюро мажлисида, шунингдек колхозчиларнинг умумий йиғилишида муҳокама қилинган. Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ Абдурахмонов раислик вазифасидан олиб ташланган, материаллар тергов органига топширилган.

Колхозчиларнинг умумий йиғилишида Жданов номли колхозга янги раис сайланган.

Область колхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 1 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

№ №	Колхозларнинг номи	Планнинг бажарилиши: % ҳисобида	Колхоз раиси	Партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан
1.	К. Маркс номли	52,96	А. Абсатов	К. Баҳражонова	Мирзачўл
2.	Калинин номли	46,80	А. Турғунов	Ш. Абдукаримов	Пискент
3.	Жданов номли	45,40	Н. Муҳаммадқулов	К. Малдибоев	Бўстонлиқ
4.	Хрушчев номли	43,00	Ф. Мухсимов	Х. Шомирзаев	Оржоникидзе
5.	М. Горький номли	42,04	С. Каримжонов	В. Қўйбоқов	Ўрта Чирчиқ
6.	Фрунзе номли	41,40	И. Ирисбоев	И. Чўлпонов	Бўстонлиқ
7.	М. Горький номли	41,29	Хван Ден Гван	Югай	Мирзачўл
8.	«Ленинобод»	40,70	М. Юнусов	К. Эгамбердиев	Оққўрғон
9.	Жамбул номли	39,98	И. Икромов	Н. Аҳмедов	Юқори Чирчиқ
10.	Хрушчев номли	39,19	Б. Юсупов	К. Шамсиев	Гулистон
11.	«Қизил ту»	39,10	А. Қулдибеков	З. Сеитбеков	Бўстонлиқ
12.	Нариманов номли	38,50	А. Атауллин	А. Норқўзиев	Бўстонлиқ
13.	«Гулистон»	38,20	И. Ҳайдаров	А. Эргашев	Пискент
14.	«Ленинград»	36,90	А. Тошқораев	И. Йўлдошев	Оржоникидзе
15.	«Коммунизм»	35,60	Т. Латипов	М. Хатамов.	Боёвут
16.	Булганин номли	35,50	А. Қодиров	В. Эгамқулов	Пискент
17.	«Ленин йўли»	35,00	Э. Усмонов	М. Мирсолихов	Ўрта Чирчиқ
18.	Хрушчев номли	33,90	П. Сулаймонов	П. Қўкиев	Сирдарё
19.	«Правда»	33,80	Х. Жумабоев	А. Ериев	Сирдарё
20.	Ленин номли	33,40	У. Умаров	М. Имоналиев	Бўстонлиқ
21.	Сталин номли	32,80	Н. Маннонов	И. Ойтўраев	Оржоникидзе
22.	К. Маркс номли	32,54	У. Пардаев	Ли А. Н.	Гулистон
23.	Энгельс номли	32,10	А. Холжигитов	Т. Шоҳидов	Пискент
24.	Хрушчев номли	32,00	Х. Абдуқулов	Э. Хаитов	Пискент
25.	Ленин номли	31,40	Р. Эгамбердиев	Т. Усмонов	Оржоникидзе
26.	Оржоникидзе номли	31,20	Ж. Пўлатов	Г. Абдуазимов	Оржоникидзе
27.	«Коммунизм»	31,12	Э. Жалолов	М. Раҳимов	Ўртасарой
28.	Навоий номли	30,90	А. Отабоев	Т. Абдуллаев	Бекобод
29.	Охунбобоев номли	30,80	Ж. Наримов	А. Сарсенбоев	Оржоникидзе
30.	Хрушчев номли	30,76	Пак Ир-Бек	Ни В. В.	Мирзачўл
31.	Куйбишев номли	29,50	Р. Йўлдошева	Б. Қобилов	Ўрта Чирчиқ
32.	«Гулистон»	29,50	Н. Игнатенко	Х. Норжигитов	Боёвут
33.	«XX партсъезд»	29,20	Ем Ен-Ман	Юн Тхя Нен	Ўртасарой
34.	Куйбишев номли	29,03	Т. Хусанов	К. Ерлақобов	Мирзачўл
35.	«Париж коммунаси»	29,01	Ш. Йўлдошев	А. Кўчеков	Юқори Чирчиқ
36.	«Ленинизм»	28,06	И. Тешабоев	Г. Урлов	Мирзачўл
37.	Жданов номли	27,80	К. Жабборов	А. Элмуҳамедов	Мирзачўл
38.	«Чирчиқ»	27,50	Х. Йўлдошева	Х. Ходиев	Бўстонлиқ
39.	Дзержинский номли	27,20	А. Шукуралиев	Э. Иброҳимов	Бекобод
40.	«Ленинизм»	26,90	М. Қулмирзаев	Х. Қорабоев	Бўка
41.	«ЎзССР 30 йиллиги»	26,79	Ким Гван Хо	Хван А.	Гулистон
42.	«XVIII партконференция»	26,74	И. А. Бездетний	Б. Маманов	Сирдарё
43.	Шверник номли	26,70	У. Йўлдошев	А. Турдиматов	Пискент
44.	Будённий номли	26,50	К. Абдуллаев	Югай И.	Ўртасарой
45.	Киров номли	26,50	К. Г. Хроколов	Т. Болтаев	Октябрь
46.	Вильямс номли	25,80	F. Азаматов	И. Мавлонов	Бўка
47.	Куйбишев номли	25,60	С. Раҳмонов	Д. Сайдаев	Оққўрғон
48.	Ленин номли	25,50	Р. Каримова	И. Иброҳимов	Бўка
49.	Калинин номли	25,39	М. Умаров	И. Жалилов	Гулистон
50.	Андреев номли	25,36	И. Талабоев	А. Айдаров	Юқори Чирчиқ
51.	Оржоникидзе номли	25,30	М. Исмоилов	Т. Қудратов	Чиноз
52.	Жамбул номли	25,30	Х. Шукуров	Т. Сайдатов	Бўка.
53.	Ленин номли	25,20	А. Мирзаев	М. Аҳмедов	Бекобод
54.	Тельман номли	25,20	С. Бўриев	М. Ҳамдамов	Оққўрғон
55.	«Большевик»	25,20	Ф. Норқулов	М. Байрамов	Бекобод
56.	Куйбишев номли	25,14	Н. Юсупов	Т. Ғуломов	Верхне-волинск
57.	Жданов номли	24,80	З. Қодиров	А. Шоимқулов	Боёвут
58.	«Ҳақиқат»	24,70	К. П. Власов	А. Кўсаев	Ўрта Чирчиқ
59.	«ЎзССР 30 йиллиги»	24,52	М. Алимуҳамедов	Д. Шамсиев	Сирдарё
60.	«III интернационал»	24,51	Д. Омонов	К. Ўразбоев	Юқори Чирчиқ
61.	«Полярная звезда»	24,50	Ким Пен Хва	Сон С. А.	Ўртасарой
62.	«Сталинчи»	24,50	Т. Жўрабеков	Б. Самбетов	Октябрь
63.	Фрунзе номли	24,42	Н. Нишонбоев	А. Қулимбетов	Юқори Чирчиқ
64.	Киров номли	24,30	Н. Ғиёсов	У. Исмоилов	Оржоникидзе
65.	Ленин номли	24,30	Т. Эрназаров	Х. Давиров	Октябрь
66.	Охунбобоев номли	24,16	Р. Раҳимов	И. Баймаков	Ўртасарой
67.	Хрушчев номли	24,10	Т. Рустамов	А. Юсупов	Октябрь
68.	Ленин номли	23,80	З. Шокиров	С. Омонов	Боёвут
69.	Жданов номли	23,80	Т. Умаров	Х. Солиев	Пискент
70.	Навоий номли	23,60	А. Аъзамов	А. Набижонов	Оржоникидзе
71.	Ленин номли	23,40	О. Қўчқоров	Д. Тўйчиев	Янгийўл
72.	Будённий номли	23,20	М. Холиқулов	У. Суяров	Бекобод
73.	«Сталинград»	22,90	Х. Мақсудов	М. Аҳмедов	Оржоникидзе
74.	Сталин номли	22,80	—	Б. Стамқулов	Юқори Чирчиқ
75.	«ЎзССР 30 йиллиги»	22,60	И. Аҳмедов	Х. Эргашев	Чиноз
76.	Сталин номли	22,60	Э. Сотиболдиев	Р. Муродов	Чиноз
77.	Мичурин номли	22,50	Т. Каримов	А. Жабборов	Бўка
78.	Ворошилов номли	22,30	Г. Отабоев	Л. Саломов	Оққўрғон
79.	«Ленинизм»	22,30	Т. Тожибоев	М. Ҳожиматов	Юқори Чирчиқ
80.	«XX партсъезд»	22,20	М. Хаитбоев	Т. Юсупов	Бўка
81.	«Победа Октября»	22,20	Х. Нормуҳамедов	Ш. Холматов	Калинин
82.	Ленин номли	22,20	Ю. Мирахмедов	Х. Салимов	Чиноз
83.	«Озод»	22,20	Т. Мирзаев	Х. Раззоқов	Оққўрғон
84.	«8-март»	22,05	К. Исроилов	М. Норматов	Мирзачўл
85.	Будённий номли	22,00	З. Шодибеков	А. Михтибоев	Оққўрғон
86.	Свердлов номли	22,00	Р. Қалжонов	У. Қуролов	Октябрь
87.	Ленин номли	21,81	Т. Йўлдошев	С. Шодмонова	Мирзачўл
88.	Сталин номли	21,80	Қ. Синдаров	И. Нурсаидов	Сирдарё
89.	Сталин номли	21,80	А. Очилов	М. Юсупганиев	Бекобод
90.	Навоий номли	21,70	А. Омонов	Ю. Олимов	Оққўрғон
91.	«Қизил Юлдуз»	21,54	К. Мамараимов	Ф. Низомов	Мирзачўл
92.	Жданов номли	21,50	Кан Ун Ден	А. Рихсибоев	Янгийўл
93.	Тельман номли	21,40	Е. Шамсиев	З. Донийёров	Октябрь
94.	«Ленин йўли»	21,40	Б. Умаров	Н. Мусурмонов	Бўка
95.	Мичурин номли	21,30	К. Облоев	Н. Жавонов	Бекобод
96.	Сталин номли	21,20	Ю. Азимов	А. Турманов	Оққўрғон
97.	Ленин номли	21,20	Сон Ен-Дюн	—	Сирдарё
98.	Свердлов номли	21,06	М. Муҳамаджонов	А. Саломов	Ўртасарой
99.	Энгельс номли	20,90	Б. Дўсмуротов	Т. Рўзиев	Бекобод
100.	Свердлов номли	20,90	А. Шораҳмедов	Р. Усмонов	Янгийўл
101.	«XIX партсъезд»	20,90	Н. Воҳидов	К. Алимов	Янгийўл
102.	Сталин номли	20,80	М. Т. Литвинов	Р. Ўразов	Пискент
103.	Сталин номли	20,70	А. Ортиқов	Ф. Мамадалиев	Янгийўл
104.	К. Маркс номли	20,70	Ю. Хўжабеков	С. Усмонов	Боёвут
105.	Ворошилов номли	20,70	И. Одилов	И. Ризақулов.	Ўрта Чирчиқ
106.	К. Маркс номли	20,62	Қ. Султонов	Ш. Жуманов	Верхне-волинск
107.	Охунбобоев номли	20,53	А. Убайдуллахўжаев	Х. Маҳкамов	Сирдарё
108.	Энгельс номли	20,50	С. Тошенов	К. Шеринбетов	Бўстонлиқ
109.	Ильич номли	20,36	Э. Мансуров	И. Акмалов	Ўрта Чирчиқ
110.	Хрушчев номли	20,30	М. Иброҳимов	К. Иногомжонов	Бўка
111.	«Қизил Ўзбекистон»	20,30	А. Матқобулов	Х. Элбўсинов	Оржоникидзе
112.	Охунбобоев номли	20,22	А. Исматов	Э. Қўшбеков	Мирзачўл
113.	«Красная заря»	20,15	А. Турдиев	Ш. Азизов	Гулистон
114.	«Коммунизм»	20,10	Д. Сафаров	К. Раҳимжонов	Октябрь
115.	«Коммунизм»	19,93	М. Усмонов	А. Мамасолиев	Мирзачўл
116.	Калинин номли	19,90	Қ. Маҳмудов	Д. Имомов	Октябрь
117.	Ворошилов номли	19,82	М. Жўлтоев	М. Мирзаев	Сирдарё
118.	Хрушчев номли	19,80	Р. Абдуллаев	М. Боймуротов	Бекобод
119.	Шевченко номли	19,61	Д. Маманов	И. Ашуров	Сирдарё
120.	«Сталинчи»	19,60	Н. Каржаулов	С. Тожибеков	Оққўрғон
121.	Ильич номли	19,60	А. Эшматов	Б. Ражабов	Бўка
122.	Шверник номли	19,59	Ю. Ҳамидов	С. Иброҳимов	Мирзачўл
123.	Шверник номли	19,50	Р. Хазонов	И. Бойқулов	Верхне-волинск
124.	«Қизил Октябрь»	19,44	Я. Н. Пискорский	К. Ражабов	Верхне-волинск
125.	Сталин номли	19,40	А. Файзиев	А. Бердиев	Бўка
126.	К. Маркс номли	19,40	Р. Бобомуротов	—	Оққўрғон
127.	Охунбобоев номли	19,30	Ю. Хожиметов	М. Умаров	Бўка
128.	«Ленинобод»	19,20	И. Валиев	Т. Шарипов	Бўка
129.	«Ҳақиқат»	19,10	Н. Йўлдошева	М. Ҳакимов	Сирдарё
130.	«Еш ленинчи»	18,95	П. Шодмонқулов	Т. Отабеков	Сирдарё
131.	Ворошилов номли	18,90	А. Ашуров	Р. Зокиров	Чиноз
132.	Ворошилов номли	18,70	Н. Толипов	А. Абдимўминов	Пискент
133.	К. Маркс номли	18,50	А. Нурашева	А. Шарипов	Чиноз
134.	Будённий номли	18,40	К. Каримов	А. В. Филатов	Чиноз
135.	Ильич номли	18,34	М. М. Лапенко	И. Т. Бондаренко	Сирдарё
136.	Свердлов номли	18,09	И. Рисимбетов	К. Топканов	Верхне-волинск
137.	Ленин номли	17,74	Пак Г. А.	Тя Ган Гин	Ўртасарой
138.	Жданов номли	17,70	Р. Эгамбердиев	Х. Раҳмонов	Оққўрғон
139.	Сталин номли	17,70	Г. Далибоев	У. Хожиев	Октябрь
140.	«Октябрь»	17,66	А. Д. Брухтий	П. Абдуллаев	Мирзачўл
141.	«Ўзбекистон»	17,40	М. Эргашев	А. Саитназаров	Октябрь
142.	Тимирязев номли	17,40	И. Ғуломов	И. Холбоев	Бўка
143.	«Красний Восток»	17,38	А. Носиров	Хегай Чан Юн	Гулистон
144.	«Ленинград»	17,37	К. Синдаров	К. Бўрибоев	Сирдарё
145.	«XIX партсъезд»	17,30	А. Душабоев	А. Хўжаев	Бўка
146.	«Октябрь»	17,30	Қ. Сандбеков	А. Абдурахмонов	Янгийўл
147.	Тимирязев номли	16,92	З. Нурмуҳамедов	П. Парпиев	Гулистон
148.	Сталин номли	16,80	А. Хасанов	Н. Эшпўлатов	Ўрта Чирчиқ
149.	Сталин номли	16,80	М. Ҳайдаров	Г. Ерденов	Ўртасарой
150.	Булганин номли	16,76	А. Зокиров	С. Тўйчиев	Ўртасарой
151.	«Ленинизм»	16,72	А. Тиллаев	З. Маллабоев	Сирдарё
152.	Оржоникидзе номли	16,68	А. П. Третьяченко	Т. Каримов	Ўртасарой
153.	«Гулистон»	16,60	Цой Ен Фир	Ким П. И.	Ўртасарой
154.	Крупская номли	16,59	Х. Турсунқулов	С. Шомуротов	Гулистон
155.	Ворошилов номли	16,56	М. Мирзаев	Р. Алимов	Мирзачўл
156.	Фрунзе номли	16,46	И. Тоғаев	К. Усанбоев	Гулистон
157.	М. Горький номли	16,37	Ш. Раҳимов	К. Ниёзов	Верхне-волинск
158.	К. Маркс номли	16,27	Х. Холбеков	М. Ўлмасов	Ўрта Чирчиқ
159.	Ленин номли	16,15	С. Шапенов	У. Норжигитов	Ўрта Чирчиқ
160.	«Коммуна»	16,11	У. Содиқов	Т. Азизов	Мирзачўл
161.	Ворошилов номли	16,00	О. Норматов	Т. Азимбоева	Янгийўл
162.	«XIX партсъезд»	16,00	Н. Абдунамов	К. Нуронов	Сирдарё
163.	«Красная заря»	15,80	Ян С. А.	Ли А.	Оққўрғон
164.	Сталин номли	15,64	Р. Муҳамедов	И. Алибоев	Мирзачўл
165.	Ленин номли	15,61	С. Назаров	П. Азимов	Гулистон
166.	«Октябрь 40 йиллиги»	15,60	Ю. Оқилов	У. Чинабеков	Оққўрғон
167.	«Победа»	15,44	А. Бегимқулов	Т. Обидов	Верхне-волинск
168.	Охунбобоев номли	15,20	К. Ҳайдаров	У. Каржонов	Октябрь
169.	Ленин номли	15,00	Б. Машрапов	Б. Шойзоқов	Оққўрғон
170.	«Октябрь 40 йиллиги»	15,00	Х. Маҳмудова	Б. Мирзаев	Бўка
171.	«Коммунизм»	14,90	Х. Оролов	Р. Бозоров	Бўка
172.	«Северний маяк»	14,70	Цой С. Г.	Цой П. А.	Ўртасарой
173.	«Қизил Октябрь»	14,70	Ж. Рустамов	Б. Эракаев	Чиноз
174.	Охунбобоев номли	14,70	И. Пўлатов	А. Раимқулов	Оққўрғон
175.	Жданов номли	14,46	О. Зокиров	Н. Юсупов	Ўртасарой
176.	Андреев номли	14,38	А. Султонов	Х. Маматқулов	Гулистон
177.	«Ленинобод»	14,18	К. Қорабоев	Э. Қулматов	Сирдарё
178.	Энгельс номли	14,10	Д. Зўлпиқоров	М. Бодиров	Октябрь
179.	«Коммунизм»	13,90	М. Исматов	И. Усмонов	Янгийўл
180.	Хрушчев номли	12,80	А. Шубладзе	М. Ортиқалиев	Янгийўл
181.	«Коммунизм»	12,70	М. Бобоев	С. Абдуқодирова	Сирдарё
182.	Калинин номли	12,60	Ч. Баиров	А. Тўлабеков	Оққўрғон
183.	Свердлов номли	12,60	А. Есенбеков	С. Насипов	Чиноз
184.	Андреев номли	12,30	Т. Азимов	М. Бикшентов	Октябрь
185.	«Меҳнат бирлиги»	11,73	О. Холиқов	—	Юқори Чирчиқ
186.	Васильевский номли	11,61	Н. Абдуллаев	Д. Эргашев	Мирзачўл
187.	Фрунзе номли	11,60	Қ. Сафарбоев	С. Тўлаганов	Янгийўл
188.	«Коммунизм»	11,10	А. Сайдалиев	М. Мирзажонова	Калинин
189.	«Москва»	11,10	Р. Холиқулов	Х. Усмонов	Янгийўл
190.	«XVIII партсъезд»	10,70	У. Келесбоев	С. Ахадов	Калинин
191.	Хрушчев номли	10,20	И. Тиллахўжаев	А. Калонов	Ўрта Чирчиқ
192.	Навоий номли	9,80	Т. Раҳмонов	М. Мусаев	Янгийўл
193.	Петров номли	9,80	К. Азимов	С. Муҳиддинов	Янгийўл
194.	«XIX партсъезд»	9,70	Н. Г. Мелихов	А. Хусанов	Чиноз
195.	«Шарқ Юлдузи»	9,60	Х. Турсунқулов	Б. Султонов	Октябрь
196.	Шверник номли	6,80	Т. Назруллаев	Х. Бўлисбоев	Чиноз
197.	Мичурин номли	1,07	Х. Соатов	Ким И. И.	Мирзачўл

Область совхозларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1957 йил 1 октябргача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

№ №	Совхозларнинг номи	Планнинг бажарилиши: % ҳисобида	Совхоз директори	Партия ташкилотининг секретари	Қайси райондан
1.	6-«Қўқорол»	43,25	М. Ботиров	Д. Қуролбоев	Бўка
2.	3-«Оҳангарон»	33,34	А. В. Шкургин	Т. Афзалов	Оҳангарон
3.	«Фарҳод»	28,32	Ю. И. Исмоилов	А. Қурбонов	Боёвут
4.	4-«Вревский»	28,13	П. Е. Ставной	А. Мирахмедов	Чиноз
5.	«Пискент»	26,07	Х. Ҳайдаров	М. Мирқобилов	Пискент
6.	«Чаноқ»	24,91	К. Сатторов	Я. Жониев	Бекобод
7.	«Дружба»	24,90	Г. Аъзамхўжаев	А. Мухамедзянов	Боёвут
8.	«Социализм»	22,96	К. Пўлатов	С. Тўрабеков	Верхне-волинск
9.	Киров номли	21,57	Пак Сан Ер	М. И. Федин	Ўрта Чирчиқ
10.	1-«Далварзин»	21,26	Х. Норматов	Т. Чиннибеков	Бекобод
11.	2-«Далварзин»	21,02	Н. Бойметов	И. П. Ермилов	Бекобод
12.	«Мирзачўл»	18,53	Н. И. Ткачев	И. Собиров	Мирзачўл
13.	1-«Оҳангарон»	18,00	И. И. Кошкин	Г. Зокиров	Оҳангарон
14.	«Оққўрғон»	16,73	Ж. Акромов	Д. Тилаболдинов	Оққўрғон
15.	«Гулистон»	16,05	М. F. Ганиев	П. Яхёев	Верхне-волинск
16.	1-«Боёвут»	14,07	А. Ч. Урисбиев	Т. Т. Хўжаев	Боёвут
17.	Бушуев номли	13,94	М. Алиев	А. Бойхўжаев	Гулистон
18.	Булганин номли	13,58	У. Ю. Юсупов	Х. Мирбобоев	Боёвут
19.	2-«Оҳангарон»	12,07	Г. И. Йўлдошев	А. А. Варасов	Оҳангарон
20.	3-«Боёвут»	12,02	Д. А. Ҳамидов	Ш. Облоқулов	Боёвут
21.	«Малик»	11,93	С. А. Бочкарев	Ш. Шоумаров	Сирдарё
22.	«ЎзССР беш йиллиги»	10,71	И. Иброҳимов	В. Қалжонов.	Куйи Чирчиқ

Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганлигининг 8 йиллиги

МАО ЦЗЕ-ДУН СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ПЕКИН, 30 сентябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасининг Раиси Мао Цзе-дун бугун СССР Олий Советининг ўртоқ А. Б. Аристов бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Ўртоқ Мао Цзэ-дун билан меҳмонлар ўртасида самимий суҳбат бўлди. Бу суҳбатда ўртоқ Пин Чжэнь ва СССРнинг ХХРдаги элчиси П. Ф. Юдин ҳам ҳозир бўлдилар. Суҳбат бир ярим соатча давом этди.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ПЕКИН, 30 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай бугун СССР Олий Советининг ўртоқ А. Б. Аристов бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

Қабул маросимида бош министр ўринбосари Уланьфу, ташқи ишлар министрининг ўринбосари Чжан Вэнь-тянь, СССРнинг ХХРдаги элчиси П. Ф. Юдин ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Бош министр Чжоу Энь-лай ҳузурида қабул

ПЕКИН, 30 сентябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикаси ташкил этилган куннинг 8 йиллиги миллий байрами муносабати билан Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай бугун Пекинда қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай нутқ сўзлади.

Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган кунга бағишлаб Москвада ўтказилган тантанали мажлис

Совет кишилари Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган куннинг саккиз йиллигини баланд руҳ ва қизғин муҳаббат билан нишонламоқдалар. Улар 600 миллионли Хитой халқининг тарихий ғалабаси ва унинг ўтган давр мобайнида эришган буюк ғалабалари шодлигини социалистик лагердаги мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан, бутун прогрессив инсоният билан бирга баҳам кўрмоқдалар.

30 сентябрда Москвада жамоатчиликнинг жуда кўп вакиллари иштироки билан ўтказилган тантанали мажлис ана шу шонли кунга бағишланди. Союзлар уйининг Колонна зали байрамдагидек безатилган эди. Корхоналарнинг ишчилари, фан ва маданият арбоблари, студентлар, Хитой элчихонасининг ходимлари, дипломатия корпусининг аъзолари бу ерга келдилар.

ВЦСПС секретари И. П. Гуреев кириш нутқи сўзлади.

«Правда» газетасининг бош редактори П. А. Сатюков Хитой Халқ Республикасининг саккиз йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Хитой Халқ Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Лю Сяо минбарга чиқади. У, тантанали мажлис ташкилотчиларига ва бу мажлисда қатнашаётган барча кишиларга самимий ташаккур изҳор қилади.

Лю Сяо халқ ҳокимияти барпо қилинганидан буён ўтган саккиз йил мобайнида хитой халқининг Хитой Коммунистик партияси раҳбарлиги остида эришган жуда катта муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб берди.

Лю Сяо сўзининг охирида Хитой ва совет халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги шарафига, социалистик лагерь шарафига, барча халқларнинг дўстлиги ва бирлиги шарафига, бутун дунёда тинчлик шарафига табрик хитоблари айтди.

* * *

Мажлиснинг охирида концерт қўйиб берилди. Бу концертда совет санъатининг кўзга кўринган усталари қатнашдилар. (ТАСС).

Хитой Халқ Республикаси ташкил этилганлигининг саккиз йиллиги шарафига

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги Хитой Халқ Республикаси тузилганлигининг саккиз йиллигини кенг нишонлади.

Бу тарихий кун—1 октябрь шарафига Тошкентда. М. Горький номидаги драма театри биносида чет мамлакатлар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти, сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи республика жамияти, ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшитдириш ва телевидение комитети томонидан ташкил этилган умумшаҳар йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси К. Ш. Ширинбеков қисқа кириш сўзи билан очди. Сўнгра ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшиттириш ва телевидение комитетининг раиси У. Я. Иброҳимов «Хитой Халқ Республикасининг 8 йиллиги» тўғрисида доклад қилди.

Тўпланганлар томонидан самимий кутиб олинган хитой темир йўлчиларининг вакили, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтида практика ўтаётган Ли Жуйси нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент меҳнаткашлари номидан Пекинга, Хитой-совет дўстлиги жамияти адресига табрик телеграммаси ибордилар.

Йиғилиш қатнашчилари учун «Тайфун» спектакли қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

СУРИЯДА СОВЕТ ДЕНГИЗЧИЛАРИНИНГ БУЛИШИ

ДАМАШҚ, 30 сентябрь. (ТАСС). Сурияга дўстлик визити билан борган совет харбий кемалари отряди қўмондони вице-адмирал В. Ф. Котов совет харбий денгиз офицерлари билан биргаликда президент саройида бўлди. Сурия республикасининг президенти Шукри Қувватли уни қабул қилди.

Президент Қувватли ва В. Ф. Котов нутқ сўзладилар.

«Мен,—деди Қувватли,—совет харбий денгизчиларини—улуғ давлатнинг вакилларини чин кўнглимдан табриклайман. Мустаҳкам дўстлик воситалари ана шу улуғ давлат билан бизни боғлайди. Сизнинг Сурияга қилган визитингиз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини истайман.

Сизлар бизнинг мамлакатимизда бўлган вақтингизда халқларимиз қардошларча дўстлик воситалари билан боғланганлигини кўриб ишона олдингиз. Мен шунга аминманки, сизнинг бу визитингиз улуғ дўстимиз Совет Иттифоқини ҳамиша эсимизга туширади. 4 миллионли Сурия халқининггина эмас, балки барча араб мамлакатларининг фикри ана шундай. Биз урушни хоҳламаймиз, тинчликка астойдил интиламиз. Сизнинг бу визитингиз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишигагина эмас, балки бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига ҳам хизмат қилишини истайман».

Қувватли сўзининг охирида бундай деди: «Мен улуғ совет халқига, шунингдек президент К. Е. Ворошиловга, бош министр Н. А. Булганинга ва маршал Г. К. Жуковга шахсан ўз номимдан ва бутун Сурия халқи номидан энг самимий табрик сўзларини ва энг яхши истак ҳамда дўстона туйғуларимизни топширишингизни сўрайман».

В. Ф. Котов ўзининг жавоб нутқида самимий кабул қилганлиги учун президент Қувватлига қизғин ташаккур билдирди. У, Сурия Республикасининг ва меҳнатсевар Сурия халқининг бахт-саодати ҳамда гуллаб-яшнаши учун президентга сиҳат-саломатлик ва самарали ишларида муваффақият тилади.

Шундан кейин совет меҳмонлари Сурияннинг миллий қаҳрамони полковник Аднан Маликий қабристонида бўлдилар ва гулчамбар қўйдилар.

Шундан кейин вице-адмирал Котов Сурия миллий мудофаа министри Холид Азим ҳузурида бўлди. Холид Азим совет харбий денгизчиларини табриклаб қуйидагиларни айтди: «Биз сизларни Сурия тупроғида самимий табриклашимиз билан жуда хурсандмиз. Сизнинг Сурияга қилган визитингиз мамлакатларимиз ва қуролли кучларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашнинг гарови бўлади, деб ҳисоблаймиз. Совет халқи каби Сурия халқи ҳам ўз озодлиги ва мустақиллигининг қадрини яхши билади ва совет халқидан намуна олиб, империалистларга қарши курашда ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлида ҳар қандай қурбон беришга доим тайёрдир. Империалистлар ҳийла-найранг ва жиноий фитналар ёрдами билан мамлакатимизни ўз ҳукмронлигига бўйсундиришга интилмоқдалар».

Ўша куни Сурия армияси бош штабининг бошлиги генерал Бизри В. Ф. Котов ва совет офицерлари шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Сурия миллий мудофаа министри Холид Азим ва Сурия армияси бош штабининг юқори офицерлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан СССРнинг Сурилаги муваққат ишлар вакили Н. С. Василенко ва СССР элчихонасининг ходимлари ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида генерал Бизри ва вице-адмирал Котов дўстона нутқ сўзладилар. Зиёфат гоят самимий вазиятда ўтди.

БМТ Бош Ассамблеясининг XII сессияси

30 сентябрдаги эрталабки ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 30 сентябрь. (ТАСС) Бугун БМТ Бош Ассамблеясининг эрталабки ялпи мажлисидаги умумий сиёсий дискуссияда Аргентина, Белоруссия ССР, Эфиопия ва Венесуэла вакиллари сўзга чиқдилар.

Аргентина вакили Мариано Драго БМТ Бош Ассамблеясининг ҳозирги сессиясини кам тараққий этган мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш масалаларига кўпроқ эътибор беришга чақирди. У кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам бериш юзасидан БМТ фондини барпо этишни қувватлаб чиқди.

Драго давлатларнинг тинч-тотув яшашлари тўғрисидаги декларация проектини Совет Иттифоқи тақдим этгани учунгина шу проектга қарши чиқди. Шу билан бирга у СССР ташқи сиёсатининг «агрессив» характерда эканлиги тўғрисида буржуа пропагандаси тарқатаётган ёлғон уйдирмаларни такрорлади. У куролсизланиш масаласида ғарбий давлатларнинг позициясини қўллаб-қувватлади.

Белоруссия ССР делегациясининг бошлиғи К. В. Киселев ўз нутқида айтдики, Совет Иттифоқининг ва бошқа тинчликсевар мамлакатларнинг куч-ғайрати натижасида халқаро вазият ўтган йилдагига нисбатан бир мунча юмшади. Бироқ кейинги ойлар ичида дунёнинг бир қанча районларида агрессия кучлари яна активлашдилар ва инсониятни янги кулфатлар гирдобига тортишга интилмоқдалар. У ана шу муносабат билан Мисрга қарши уюштирилган агрессияни, француз мусамлакачиларнинг Жазоир халқига қарши олиб бораётган қуролли курашини, Уммонга қарши қилинган инглиз агрессиясини, инглиз самолётларининг Яман шаҳарларини бомбардировка қилишларини, Сурияни бўғиб ташлаш йўлидаги ўринишларни қайд қилиб ўтди. Бош Ассамблея, дейди К. В. Киселев, агрессия ва уруш кучларининг йўлини тўсиши, халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам бериши лозим.

Белоруссия делегациясининг бошлиғи куролсизланиш, ядро қуроли ишлаб чиқаришни ва қўлланишни тақиқлаш ҳамда янги уруш хавфини тугатиш проблемасига тўхталиб уқтириб ўтдики, ҳозирги замоннинг бу муҳим проблемаси тезда ҳал қилишни кутиб турибти. К. В. Киселев Европа, Америка, Осиё ва Африка олимлари ядро қуроли синовларини тўхтатишни ва атом уруши хавфини йўқотишни қувватлаб чиқаётганликларини эслатиб, шу йил август ойида Белоруссия ССР олимларидан катта бир группаси баёнот эълон қилганлигини, бу баёнотда «Ядро қуроли синовлари тез-тез ўтказилаётганлиги ҳозирги вақтда фақат ҳозирги авлоднинг ҳаёти учунгина эмас, балки келгуси авлоднинг ҳаёти учун ҳам хавф туғдираётганлигига» ҳамманинг эътиборини жалб қилинганлигини айтди. Бош Ассамблея, деди Белоруссия вакили «Атом радиациясининг таъсири» тўғрисида Чехословакия таклиф этган масалани муҳокама қилишга жуда жиддият билан қараши лозим.

СССР делегацияси таклиф этган резолюция проекти, деб уқтириб ўтди К. В. Киселев, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш соҳасида реал имконият туғдиради. Ҳолбуки АҚШ ва Англия синовларини тўхтатишдан бош тортмоқдалар. У айтдики, Америка Қўшма Штатлари куролсизланиш ва ядро қуроли синовларини тўхтатиш проблемасини ҳал этишга қарши чиқиб келмоқда. Бунинг сабаби шуки, Америка монополиячилари ўзлари кўпроқ фойда олиш учун юз миллионларча кишиларни қурбон қилишдан сира тортинмайдилар.

Сўнгра Белоруссия ССР вакили Европада ғарбий герман реваншистларининг тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган хавфи ўсиб бораётганлигига тўхталди. Белорус халқи, дейди у, Аденауэр ҳукуматининг Ғарбий Германияни ремилитаризация қилаётганига бефарқ қараб туролмайди. Аденауэр ҳукумати реваншистлик идеяларини илгари суриб, агрессив шимолий атлантик блокка қўшилди, ГФР нинг ички ва ташқи сиёсатини Америка Қўшма Штатлари ҳукмрон ҳоираларининг талабларига бўйсундирди. Бу доиралар Европа халқларининг ашаддий душмани бўлган герман милитаризмини зўр бериб тиклаётирлар. К. В. Киселев қайд қилиб ўтдики, Аденауэр ҳукумати ғарбий герман қуролли кучларини тузишга киришди. Шу билан бирга қуролли кучларни тузишга собиқ гитлерчи генераллар раҳбарлик қилмоқда. Қуролли кучлар составига собиқ «СС» офицерлари олинмоқда. Ҳарбий кадрлар тайёрлаш шундай ҳисоб билан олиб борилмоқдаки, келгусида 200 дивизия учун етарли ҳарбий раҳбарларга эга бўлиш кўзда тутилади. Шу йилнинг биринчи кварталидагина Ғарбий Германиянинг ҳарбий ҳаражатлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9 баравар кўпайди.

Ғарбий давлатларнинг ГФР территориясида ядро қуролининг хилма-хил турларини тўплаётганликлари ва ГФР армиясини атом қуроли билан қуроллантириш планлари тузилаётганлиги, дели сўнгра Белоруссия вакили, ГФР ни Европада асосий плацдармга ва Европада атом уруши олиб бориш учун НАТОнинг асосий зарбдор кучига айлантиришга олиб боради. Ғарбий Германияда реваншизм кучлари борган сари кўпроқ таъсирга эга бўлмоқда, реванш пропагандаси авж олдирилмоқда. Шу билан бирга расмий шахслар сурбетларча реваншизм руҳидаги баёнотларни қилмоқдалар ва социалистик мамлакатларга дўқ қилиб чиқмоқдалар.

Эфиопия делегациясининг бошлиғи Дерресс ўз мамлакатининг ҳукумати Африка халқларини озодликка чиқариш процесси бошланганлигини табриклаганлигини айтди. Лекин бу ҳали ишнинг бошланишигина, деди. Африка қитъаси «ҳали ҳам кўпгина халқлари мустамлакачилик ҳукмронлиги остида яшаб келаётган» қитъа бўлиб қолмоқда. Бу халқлар «ўзларига БМТ устави жорий қилинишини», яъни ўзларини ўзлари идора қилиш ва мустақил яшаш ҳуқуқи берилишини «тоқатсизлик билан кутмоқдалар». Биз, дейди Дерресс, БМТ га мурожаат қилиб, Африка халқларини озодликка чиқариш процессини тезлаштиришни сўраймиз.

Эфиопия делегати кам тараққий этган мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш учун уларга ёрдам беришни кучайтиришни қувватлаб чиқди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини байрам қилиш тўғрисида Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг қарори

ВЕНА, 30 сентябрь. (ТАСС). Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мажлисида ўртоқ И. Копленигнинг доклади юзасидан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини байрам қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Қарорда бундай дейилади:

«Октябрь социалистик революцияси инсоният тарихида янги давр — социализм даврини очиб берди. Россиядаги социалистик революциянинг ғалабасига ва Совет Армиясининг гитлерчилар устидан қозонган ғалабасига таяниб, социализм қудратли жаҳон системасига айланди. Бу система ҳозирги кунда инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғини ўз ичига олади. Меҳнаткашларнинг капиталистик ижтимоий тартибларга қарши, социализм қуриш учун олиб бораётган курашида, халқларнинг тинчлик, фаровонлик ва миллий мустақиллик учун курашида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсати етакчи куч ва намунадир. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ХХ съезди ўтмишдаги хатоларни бартараф қилди ва ишчилар синфи курашининг янги перспективаларини белгилади. Бу съезд бутун дунё ишчилар синфи учун Совет Иттифоқи ва унинг Коммунистик партияси жуда катта аҳамиятга эга эканлигини яна бир марта кўрсатди.

Партиямизнинг ва унинг барча аъзоларининг вазифаси — Октябрь революциясининг тарихий сабоқларини ва унинг курашимиз учун ҳам аҳамиятини тушунтириб беришдан иборат. Совет Иттифоқининг ўтган 40 йил мобайнида эришган буюк тарихий ғалабалари жаҳон ишчилар синфи учун жуда катта мададдир. Октябрь революциясининг таъсири остида Австрия ишчилари биринчи жаҳон урушидан кейин баъзи социал муваффақиятларга, чунончи: 8 соатлик иш кунига, отпускалар тўғрисида ва ишлаб чиқариш кенгашлари ҳақида қонун қабул қилишишига муваффақ бўлдилар. Гитлерчилар фашизмининг урушда тормор келтирилганлиги Австрия ишчилар ҳаракатини қайталан тиклаш учун заминни вужудга келтирди. Совет Иттифоқининг ташаббуси туфайли давлат шартномасида Австриянинг суверенитети мустаҳкамланди ва мустақил, бетараф Австрияни вужудга келтириш учун шароит туғдирилди. Бизнинг вазифамиз — Австрия учун ва Австрия ишчилар ҳаракати учун Совет Иттифоқининг ана шу буюк ролини кўрсатиб беришдан иборат.

Совет Иттифоқи тажрибасида социализмнинг устунлигини кенг меҳнаткашлар оммасига кўрсатиб бериш ва социализм идеялари учун курашда Австрия меҳнаткашларининг сафларини мустаҳкамлашдан ҳам бизнинг вазифамиздир. Биз Октябрь революцияси тажрибасида социализм идеяларининг тантанаси учун Коммунистик партияни мустаҳкамлаш зарур эканлигини мамлакатимизнинг ишчилар синфига кўрсатиб беришимиз керак.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги пролетар интернационализмини, меҳнаткашларнинг бирдамлигини мустаҳкамлашда ва Совет Иттифоқи билан дўст бўлиш, мамлакатимизнинг миллий озодлиги ва мустақиллигининг энг яхши гарантияси сифатида Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсатини қўллаб-қувватлаш зарур эканлигини халқимизга тушунтиришда биз учун янги стимул бўлмоғи керак.

Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитети барча партия ташкилотларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб байрам қилишга ва бу билан партиямизнинг жангговар кучларини ҳамда активлигини мустаҳкамлашга ёрдам беришга чақиради».

Лейбористлар партиясининг ҳар йили ўтказиладиган конференцияси очилди

БРАЙТОН, 30 сентябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Англиянинг курорт шаҳри Брайтондаги «Спортс стэдиум» залида лейбористлар партиясининг ҳар мили ўтказиладиган 56-конференцияси очилди.

Конференциянинг ишларида 1.300 га яқин делегат қатнашмоқда. Булар партиянинг 708 маҳаллий ташкилотда ҳамда партияга кирган касаба союзлари, социалистик жамиятлар ва кооператив жамиятларида бирлашган 6,5 миллиондан ортиқ коллектив ва якка аъзоларнинг вакилларидир.

Конференциянинг кун тартибида партия ижроия комитетининг ва парламент фракциясининг ҳисобот докладларини, маҳаллий ташкилотлар томонидан тақдим этилган резолюцияларни ҳамда пенсиялар тўғрисидаги ва саноатни национализация қилиш ҳақидаги масала юзасидан, шунингдек мустамлакалар масаласи юзасидан партия ижроия комитети томонидан тайёрланган баёнотларни муҳокама қилиш масаласи турибди.

Лейбористлар партияси маҳаллий ташкилотларининг резолюцияларида қуролсизланиш проблемасига ва жумладан, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги масалага асосий эътибор берилган.

Ана шу резолюциялар (маҳаллий ташкилотлар томонидан конференция муҳокамасига қўйилган 443 резолюциядан 128 таси) миллионларча инглиз меҳнаткашларининг орзуларини ифода этиб, атом ва водород қуролларини қўлланишни, ишлаб чиқаришни ва уларни синаб кўришни тақиқлашни талаб қилади.

Водород бомбаси синовларини тақиқлаш учун курашувчи Брайтон комитети ана шу талабни қувватлаб, конференция очилиши арафасида атом қуроли билан зўр бериб қуролланишга қарши норозилик юзасидан намойиш ва митинг ташкил қилди.

Конференцияда Англия иқтисодий аҳволининг ёмонлашганлигига ва мамлакатда қимматчилик авж олганлигига анча катта эътибор берилади. Қимматчиликнинг авж олиши инглиз меҳнаткашларининг турмуш даражасини муқаррар суратда пасайтиради.

Лейбористлар партияси миллий ижроия комитетининг раиси Маргарет Хербисон конференцияни очиб бундай деди: Ҳозирги вақтда қимматчиликнинг авж олишини тўхтатиш ва тинчликни сақлаш тўғрисидаги масала инглиз халқини ҳар нарсадан кўпроқ қизиқтирмоқда. Ҳукуматнинг кейинги вақтларда амалга ошириб келаётган иқтисодий тадбирлари, деб таъкидлади Хербисон, «ишсизлик олдида ҳамманинг вақимага тушиб ташвиш тортиши»га сабаб бўлмоқда. Мамлакатдаги инфляция, — деб сўзини давом эттирди у, — ҳукумат ўтказиб келаётган сиёсатнинг бевосита натижасидир. Бу сиёсат «халқимиз кўпчилигининг турмуш даражасига қаттиқ ҳужум қилинаётганлиги»ни акс эттиради.

Хербисон халқаро аҳволга тўхталиб бундай деди: Лейбористлар партиясининг ташқи сиёсат масалалари соҳасидаги сиёсатининг асоси турли давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорликнинг воситаси бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустаҳкамлашдан иборат.

Хербисон сўзининг охирида Узоқ Шарқ масалаларига тўхталиб ўтди. Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотида аъзо эмаслиги, деди у, дунёнинг ана шу қисмига тааллуқли энг асосий проблемаларнинг биридир. «Лейбористлар партияси, — деди у, — бундай аҳволни тамомила қониқарсиз деб ҳисоблайди ва ҳукумат америкаликларнинг шу масалаларда сиёсатини ўзгартиришни улардан талаб қилиши лозим, деб ўйлайди».

„СИҲРЛИ КЕЧА“

Янги цирк тамошалари

Лампочкалар сўнади. Бир зум қоронғиликдан сўнг чиройлик постамент атрофида кумуш ранг нур порлайди. Кўз ўнгингизда қадимги грек мифологияси қаҳрамонларининг ўлмас образлари гавдаланади. Цирк артистларидан Тишин ва Шварцман ўртоқлар турли фигуралар ясаб классик ва ҳозирги замон ҳайкалтарошлари томонидан яратилган скульптураларни тамошабинларга ғалма-ғал эслатиб ўтадилар. Мана қадимий грек санъаткорлари яратган асарлардан бири. Икки



паҳлавон ваҳший илон билан олишаётир. Полвонлар ҳам илон ҳам ҳолдан тойган. Лекин уларнинг ҳар бири яшаш учун интилади. Сўнгра артистлар бирин-кетин классик курашиш пайтида курашувчиларнинг ҳолатини ифодаловчи бир нечта моментларни кўрсатадилар. Тамошабинлар талантли ижрочиларнинг санъатларига қойил қолганликларидан уларни қизғин олқишлайдилар...

Тошкент Давлат циркининг янги мавсуми ана шундай ажойиб номер билан очилди. Цирк артистлари мавсум очилишига пухта тайёргарлик билан келганлар. Тамоша программасидаги номерларнинг кўпчилиги ўтган мавсумда ҳам кўрсатилган эди. Лекин бу номерлар артистлар томонидан бойитилган, мураккаблаштирилган. Шу сабабли ҳам тамошабин уларни зўр ҳаяжон билан кузатиб боради. Эквилибристлардан Золототрубовлар намойиш қилган номерлар айниқса қизиқарли ва ҳаяжонли ўтди. Артист Вязов узунлиги бир неча метр келадиган металл стержень устига оғир вазнли икки кишини ўтказиб бир қўли билан кўтаради ва уларни баланд қўш шоти устидан олиб ўтади. Бу процесс ижрочидан катта куч ва маҳорат талаб этсада, артист Золототрубов уни муваффақият билан бажаради.

Артист Маслов бошлиқ акробатлар группаси ҳам, жонглерлардан Боровковлар ҳам от устида ўйновчилар—Фатеевлар ҳам ўз санъатлари билан тамошабинларни қувонтира олдилар.

«Сиҳрли кеча»нинг иккинчи бўлими машҳур фоксчи артист София Марнинг қизиқарли номерлари билан бошланади. Артистка чаққон ҳаракат қилиб жуда кўп хилма-хил сирли фокусларни намойиш этади...

Бироқ тамошабинлар қизиқчилар—Любимов ва Кадниковлардан қизиқ-қизиқ интермедияларни, таъсирчан сатира ва юмор номерларини кутган эдилар. Лекин улар тамошабинларнинг ана шу истакларига лойиқ ўйнай олмадилар. Қизиқчиларда ҳаракат ва мимика бўлсада жонли ҳаётимиздаги хилма-хил воқиликлар, айрим кишилардаги эскилик сарқитлари ўз ифодасини топмайди.

Цирк коллективи янги мавсумни янада бой, янада мазмунли қилишга ҳаракат қилган.

А. АБДУАЗИМОВ.

«ФРАНЦИЯ—СССР» ЖАМИЯТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БУЛИШИ

СССР Архитекторлари союзининг таклифига биноан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган «Франция — СССР» жамияти делегацияси 1 октябрда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди. Делегацияга «Франция—СССР» жамияти архитектура миллий секциясининг секретари Андрэ Брисэ жаноблари бошчилик қилади. Делегация составида олтита француз архитектори бор.

Франциялик меҳмонлар Ўзбекистонда бўлган вақтларида Тошкент ва Самарқанднинг архитектураси, билан танишдилар, республика проектлаш ва қурилиш ташкилотларининг ходимлари билан учрашдилар, Тошкент тўқимачилик комбинатини ва иккита колхозни бориб кўрдилар.

Тошкентда ўтган йили юз минг квадрат метрга яқин уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилганлиги. 1957 йилда эса уй-жой қурилиши ҳажми икки баравардан кўпроқ ўсганлиги делегация аъзоларини қизиктирди. Меҳмонлар қурилиш ташкилотларининг фаолияти, уй-жой қурилиш методлари тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилдилар.

Французс архитекторлари Узгоспроект ходимлари билан қилган суҳбатлари вақтида ўз тажрибалари тўғрисида сўзлаб бердилар. Улар Франциядаги шаҳар қурилиши ҳақида олиб келган фильмни кўрсатдилар.

Ўзбекистон Архитекторлар союзининг ва Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти архитектура ва тасвирий санъат секциясининг президенти М. Булатов делегация шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

ХРОНИКА

СССР Олий Совети Президиуми Иван Константинович **Замчевский**ни СССРнинг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси қилиб тайинлади.

СССР Олий Совети Президиуми Ўртоқ Николай Павлович **Фирюбин**ни СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари қилиб тайинланганлиги муносабати билан СССРнинг Югославия Федератив Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасидан озод қилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/X да **Оғриқ тишлар**, 3/X да **Алишер Навоий**.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Учувчи Марешнинг иши**, кеч соат 8-20 минут ва 9 да **Боши очиқ**.

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз соат 12 ва 4 да **Координатлари номаълум**, қолган сеансларда **Учувчи Марешнинг иши**.

«ИСКРА» (ёзги) — кеч соат 8 да **Учувчи Марешнинг иши**, кеч 10 да **Боши очиқ**.

КАФАНОВ номли — кеч соат 8 яримда **Учувчи Марешнинг иши**, кеч 10 яримда **Боши очиқ**.

«ХИВА» — **Учувчи Марешнинг иши**.

«САЛЮТ» — **Боши очиқ**.

«УДАРНИК» — **Координатлари номаълум**.

Калинин район, Сталин қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда турувчи **Исоқ Корабоевнинг** Тошкент шаҳар, Тўрақўрғон кўча, 59-уйда турувчи Ҳалима Қорабоева-Исаҳўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин, район, 1-участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 05852. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1852.